2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 42 (298), 2021 йил 27 февраль, шанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

## ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ҲАР ТОМОНЛАМА КЎМАКЛАШИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 26 февраль куни хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал қилиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб ярми — 17 миллиони хотин-қизлардир. Уларнинг манфаатларини таъминлаш, жамият ҳаётидаги ўрнини мустаҳкамлаш давлатимиз ижтимоий сиёсатининг муҳим йўналиши.

Охирги тўрт йилда бу борада 2 та қонун, Президентнинг 6 та фармон ва қарори қабул қилинди. Биринчи марта Сенатда Хотин-қизлар ва гендер тенглиги масалалари бўйича қўмита ташкил этилди.

Бугунги кунда 1 минг 400 га яқин аёллар республика ва вилоятлар, 43 мингдан зиёди туман ва шаҳарлар даражасидаги раҳбарлик лавозимларида ишлаб келмоқда.

Қизларнинг сифатли таълим олиши, касб эгаллаб, ишли бўлиши учун катта имкониятлар яратилган. Талабаларнинг 48 фоизини хотин-қизлар ташкил этмоқда. Ўтган йили йўлга қўйилган тизимга мувофиқ, 950 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож қиз олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинди.

Аёлларнинг тадбиркорлиги, ташаббуслари қўллаб-қувватланаяпти. Ўтган йили 585 мингга яқин хотин-қизларнинг бандлиги таъминланган, 36 мингдан ортиқ аёллар касб-ҳунарга ўқитилган.

Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва манзилли ҳал этиш мақсадида "аёллар дафтари" жорий этилди. Ушбу дафтарга, 9 та мезон асосида 433 минг нафар хотин-қиз киритилиб, электрон база шакллантирилди. Бугунги кунгача уларнинг 80 мингининг муаммолари ҳал этилган.

Йиғилишда аёлларни иш билан таъминлаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга тиббий ва психологик ёрдам қамровини кенгайтириш, оилавий ажралишларнинг олдини олиш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

— Энг оғир, мураккаб масалаларимиз аёллар бўйича. Халқимизнинг талаби ўсиб бораяпти. Биз шу талабларга муносиб шароит яратиб беришимиз керак. Буни чуқур ҳис қилмаган одам раҳбар бўлиб ишлолмайди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида Республика Хотин-қизлар жамоатчилик кенгаши ташкил этиш таклифини билдирган эди.

Шу кунларда Сенат раиси Танзила Норбоева бошчилигида ушбу кенгаш тузилди. Энди мазкур жамоатчилик кенгаши хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, билим ва касбий кўникмалар эгаллаб, муносиб иш топишларига кўмаклашиш, саломатлигини сақлаш, уй-жой масалаларини ҳал этиш борасида тизимли иш олиб бориши зарурлиги таъкидланди.

Ҳокимлар ва сектор раҳбарларига "аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизлар муаммоларини ҳал қилиш, тикувчилик, ҳунармандчилик, касаначилик, паррандачилик ва экин майдонларидан ер ажратиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Савдо-саноат палатасига тадбиркор бўлиш истагини билдирган "аёллар дафтари"даги 70 мингга яқин хотин-қизларни бизнес ва меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш вазифаси топширилди.

Давлатимиз раҳбари бу борада нодавлат ташкилотлар хотин-қизларга энг яқин кўмакчи бўлиб келаётганини, бундай муассасаларга жой ажратиб, грантлар бериш кераклигини таъкидлади.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасарруфига ўтаётган ҳар бир тумандаги коллежларнинг бўш турган қисмини ўқув хонаси ва ишлаб чиқариш цехи ташкил этиш учун тадбиркорларга 30 йилгача муддатга имтиёзли ижарага бериш вазифаси қўйилди. Бунга Бандлик жамғармасидан 70 миллиард сўм ажратилиши белгиланди.

Шунингдек, 70 мингга яқин хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш учун Халқ банки орқали 2 триллион сўм кредитлар йўналтирилади.

— Олий маълумотли бўлишни истаган, қобилияти, билими бор, лекин тақдир тақозоси билан орзусига эриша олмаган хотин-қизларни рағбатлантириш тизими жорий қилинади. Яъни, ота-онасининг биридан айрилган муҳтож қизлар, боқувчиси йўқ ёлғиз аёлларнинг шартнома тўлови ҳокимлик ва олий ўқув юрти ҳисобидан қоплаб берилади. Бу янги тизим. Илгари бундай қилолмасдик. Энди имконият бор, — деди Президент.

Йиғилишда аёллар саломатлигини сақлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Жойларда, айниқса, чекка ҳудудларда тиббий хизматлар сифати талаб даражасида эмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Мисол учун, Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманида туғиш ёшидаги аёлларнинг 30 фоизида камқонлик аниқланган. Бундан ташқари, хотин-қизлар ўртасида нафас олиш, ҳазм қилиш аъзолари, юрак-қон томир тизими касалликлари ҳам кўп.

Шу каби, тиббий ёрдамга муҳтожлиги аниқланган 44 минг нафар хотин-қизларни алоҳида назоратга олиб, тиббиёт бригадаларига бириктириш, тор доирадаги шифокорларни жалб қилган ҳолда, уларни даволаш бўйича топшириқлар берилди.

Жорий йил якунига қадар қарийб 9 миллион аёлни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан, жумладан, саратон скринингидан ўтказиш вазифаси қўйилди. Онкологик касалликларни профилактика қилиш мақсадида 323 минг нафар қизлар одам папилломаси вирусига қарши эмланиши айтилди.

Эҳтиёжманд аёлларнинг даволаниши учун ҳар йили Хотин-қизлар жамғармасига қўшимча 30-50 миллиард сўм ажратилиши белгиланди.

Хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенгайтириш, жисмоний тарбия ва рақс тўгаракларини кўпайтириш зарурлиги қайд этилди. Аёлларнинг мамлакатимиз бўйлаб саёҳатларини, санаторийларда даволанишини ташкиллаштириш юзасидан кўрсатма берилди.

Ёлғиз аёлларнинг фарзандларини мактабгача таълим муассасасига қабул қилиш ва тўловларини қоплаш борасида ҳам енгилликлар бериладиган бўлди.

Муаммолар муҳокама қилинар экан, уй-жой масаласи албатта ўртага чиқади. Чунки оилавий ажрашишлар, ишсизлик, етишмовчилик оқибатида уйга муҳтож бўлиб яшаётган аёллар ҳали ҳам кўп. Давлатимиз раҳбари буни чуқур ҳис қилади ва доим уларга муносиб шароит яратишни назарда тутади. Сўнгги йилларда минглаб муҳтож аёлларга янги турар жойлар топширилди. Қолаверса, кам таъминланган хотин-қизлар уй олиши учун бошланғич бадал пулини тўлаб бериш тизими жорий этилган.

Видеоселектор йиғилишида бу долзарб масала бўйича қўшимча чоралар белгиланди. Вақтинча нотурар жойларда истиқомат қилаётган аёлларни уй билан таъминлаш учун ҳар бир ҳудудга 10 миллиард сўмдан, отасидан айрилган муҳтож қизлар манфаати учун 5 миллиард сўмдан маблағ ажратилиши айтилди.

Бу маблағлар уй-жойнинг бошланғич тўловини тўлаб беришга йўналтирилади. Шунингдек, хотин-қизларга турар жой ижараси компенсацияси учун 11 миллиард сўм ажратилади.

Аёлларга, шу жумладан, тазйиққа учраганларга малакали психологик ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Хотин-қизларнинг давлат ва жамият олдидаги фидокорона хизматлари, ўз соҳаларида эришган ютуқларини рағбатлантириш учун алоҳида давлат мукофотини таъсис этиш таклифи илгари сурилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасадди раҳбарлар ва хотин-қизлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

**ЎзА**

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

**26 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.**

Давлатимиз раҳбари суҳбат аввалида Туркия Президентини таваллуд куни билан самимий табриклаб, унга мустаҳкам соғлиқ ва катта муваффақиятлар ҳамда биродар турк халқига тинчлик, фаровонлик ва равнақ тилади. Президент Эрдоғаннинг замонавий Туркиянинг барқарор тараққиётини таъминлаш, халқаро майдонда мамлакат нуфузини оширишдаги роли алоҳида қайд этилди.

Суҳбатда икки томонлама ва минтақавий кун тартибидаги долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Икки мамлакат етакчилари олий даражадаги мунтазам мулоқотлар пандемиянинг мураккаб шароитларида кўп қиррали Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлигининг юқори суръатини сақлаб қолишга хизмат қилаётганини таъкидладилар.

Ўзбекистон Президенти Туркия ҳукумати томонидан мамлакатимизда коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишда кўрсатилаётган ёрдам ва амалий кўмак учун ўз ҳамкасбига яна бир бор миннатдорлик билдирди.

Савдо, саноат, энергетика, инфратузилма, транспорт, қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги қўшма лойиҳалар, таълим ва маданий-гуманитар алмашинув дастурларининг амалга оширилиши ҳам кўриб чиқилди.

Ўзаро товар айирбошлаш ва инвестицияларни кўпайтириш учун қулай шарт-шароитларни шакллантириш, шу жумладан, Преференциал савдо тўғрисидаги битимни тез фурсатда тайёрлаш ва қабул қилиш муҳимлиги қайд этилди. Инвестиция муҳитини такомиллаштириш, ҳудудларни жадал индустриал ривожлантириш, махсус иқтисодий зоналар фаолиятини самарали ташкил этиш масалаларида Туркиянинг илғор тажрибасини ўрганиш ва жорий этишдаги ҳамкорлик фаоллашмоқда.

Давлат раҳбарлари таълим, кинематография, маданият ва туризм соҳаларида қатор аҳамиятли лойиҳаларни амалга ошириш муҳим эканини таъкидладилар.

Шунингдек, бўлажак олий ва юқори даражадаги икки ва кўп томонлама тадбир ва мулоқотлар режаси муҳокама қилинди, жумладан, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг бўлажак саммитига тайёргарликнинг бориши кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ва Туркия Президентларининг суҳбати ҳар доимгидек очиқ, дўстона ва ўзаро ишонч руҳида ўтди.

**ЎзА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМҒАРМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, аграр соҳанинг барча тармоқларини молиялаштириш, ички бозорда нарх барқарорлигини таъминлаш, юқори қўшилган қиймат занжирини яратиш, аграр соҳани механизациялаш, маҳсулот етиштириш, харид қилиш ва сотишда бозор тамойилларини кенг жорий этиш мақсадида:

1. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг қишлоқ хўжалигини молиялаштиришнинг қўшимча механизмлари ва молиявий воситаларини жорий этишни кенгайтириш мақсадида **Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси** (кейинги ўринларда — Жамғарма) фаолиятини янги босқичга кўтаришга доир таклифи маъқуллансин.

2. Белгилансинки:

а) агротехник тадбирларни, жумладан, кузги шудгорлашни ва экин майдонларига минерал ўғитларни солишни ўз вақтида таъминлаш мақсадида 2022 йил ҳосилидан бошлаб пахта хомашёсини етиштириш харажатларини молиялаштириш тегишли молия йилидан олдинги йилнинг 1 ноябридан бошланади;

б) пахта йиғим-терими учун тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар бўйича фоиз ставкасининг бир қисмини қоплаш учун компенсация тўлаш Жамғарма ҳисобидан амалга оширилади.

Бунда:

миллий валютада ажратиладиган тижорат кредитлари бўйича фоиз ставкасининг Марказий банкнинг асосий ставкасидан ошадиган, лекин 10 фоиз пунктидан кўп бўлмаган қисмини;

хорижий валютада ажратиладиган кредитлар бўйича тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 30 фоизигача, лекин 3 фоиз пунктидан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун компенсация кредитнинг дастлабки 9 ойи учун тўланади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Молия вазирлиги ва Марказий банк билан биргаликда **бир ой муддатда** мазкур бандда назарда тутилган давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга ошириш тартибини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Сабзавот етиштириш фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2021 йилда:

сабзавотчилик кластерлари, фермер хўжаликлари ва бошқа сабзавот етиштирувчиларга тижорат банклари томонидан 9 ой муддатга йиллик фоиз ставкаси Марказий банкнинг асосий ставкасида (шундан, банк маржаси 2 фоиз) етиштириладиган сабзавот қийматининг 40 фоизигача миқдорда кредит ажратилади;

сабзавот етиштириш харажатларини кредитлаш учун Жамғарма томонидан 9 ой муддатга йиллик фоиз ставкаси Марказий банкнинг асосий ставкасидан икки фоиз пункт камайтирган ҳолда тижорат банкларига жойлаштирилади;

тижорат банки томонидан кредитлар битимда белгиланган муддатда қайтарилмаса, кредитларнинг қайтарилмаган қисмига фоизлар Марказий банкнинг асосий ставкасига 6 фоиз пункт қўшиб ҳисобланади.

2022 йил ҳосилидан бошлаб, асосий майдонларда сабзавот етиштириш учун ажратиладиган тижорат кредитлари бўйича фоиз ставкасининг Марказий банкнинг асосий ставкасидан ошадиган қисми учун компенсация тўлаш тизими жорий этилади.

4. 2021 йилдан бошлаб Жамғармага қуйидагиларни молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси **республика бюджетидан** маблағ ажратилсин:

жалб қилинган чет эл кредитлари бўйича валютанинг айирбошлаш курсининг ўзгариши натижасида юзага келадиган зарар;

пахта йиғим-терими учун қишлоқ хўжалиги корхоналарига ажратиладиган тижорат кредитлари бўйича фоиз ставканинг бир қисмини қоплаш учун тўланадиган компенсация;

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 2020-2030 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН СТРАТЕГИЯСИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАРНИ 2021 ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5853-сон фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси доирасида 2021 йилда:

1) **озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва жорий этиш** йўналишида:

а) шаклланган деҳқончилик кўникмалари, тупроқ-иқлим шароити, сув таъминотидан келиб чиқиб, республиканинг барча туманлари ҳудудлари **муайян турдаги маҳсулотлар етиштиришга** босқичма-босқич ихтисослаштирилади. Бунда:

қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришда асосий эътибор унинг **ҳосилдорлиги, экспортбоплиги, яхлит майдонларда етиштирилишига қаратилади;**

кооперация ва кластер тизими асосида **маҳсулот етиштириш,** уни **қайта ишлаш, сақлаш** ва ички ҳамда ташқи **бозорларга сотиш тизими** йўлга қўйилади;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини ошириш учун **камида битта туман** ҳудудини **органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирсин;**

в) Вазирлар Маҳкамаси **бир ҳафта муддатда** мавжуд экин майдонларидан самарали фойдаланиш, 2021 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш бўйича ҳукумат қарорини қабул қилсин. Бунда, жорий йилда пахта майдонларини 33,6 минг гектарга ва ғалла майдонларини 40 минг гектарга қисқартириш ҳамда 320 минг гектар ерларни фойдаланишга киритиш ҳисобига озиқ-овқат ва озуқа экинлари майдонлари 193,6 минг гектарга кенгайтирилади;

г) Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги 2021 йил 1 апрелдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларда ҳудуд ихтисослигидан келиб чиқиб, туман ҳокимликлари захирасидаги яхлит ҳолда **300 гектаргача** ер майдонларида плантация усулида интенсив боғ ва токзорлар барпо этиш ва **етти йил муддатда тўлаш шарти билан** аҳолига сотиш тизимини йўлга қўйсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари янги боғ ва токзорлар барпо этишга қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган очиқ ер майдонлари, захирада турган ҳосилдорлиги паст бўлган пахта ва ғалладан қисқарган майдонлар, яроқсиз ва иқтисодий жиҳатдан самарасиз деб топилган боғлар жойлашган ер майдонлари ажратилишини таъминласин;

д) **кооперация шартларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш** учун ёшларга фойдаланишга киритиладиган ер майдонлари **ижарага берилади,** шунингдек, фермер хўжаликлари ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарининг экин майдонлари **иккиламчи ижарага берилади;**

Бунда, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Ёшлар ишлари агентлиги билан биргаликда:

ёшлар учун экин майдонлари, аввало, аҳоли яшайдиган қишлоқ ҳудудларига **яқин ерлардан танланишига, контурлар яхлитлиги сақланишига** ҳамда ёшларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ўргатиш учун **тажрибали агрономлар жалб қилинишига;**

ерларни экишга тайёрлаш ва экинларга ишлов бериш учун зарур бўлган **қишлоқ хўжалиги техника ва механизмлари, сув ҳамда иш қуроллари билан таъминлашга;**

етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини **ички ва ташқи бозорларда сотишга** кўмаклашсин;

Давоми 2-бетда

## ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

## СЎХ — БУНЁДКОРЛИК ВА ОБОДЛИК МАНЗИЛИ



**Пурвиқор тоғлари, хушманзара табиати билан ҳар қандай кишини мафтун этган кўҳна Сўхда янги ҳаёт нафаси ҳукмрон. Бугунги кунда тоғли қишлоқда бўлганлар аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, фаровонлигини ошириш йўлида олиб борилаётган янгиланишлардан баҳра олади, ҳавас қилади.**

**Давлатимиз раҳбарининг ўтган йил 8 августдаги "2020-2021 йилларда Фарғона вилоятининг Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида ҳудудни бунёдкорлик ва ободлик манзилига айлантириш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва соғлиғини таъминлаш, ёшларга таълим-тарбия бериш каби соҳалардаги эзгу вазифалар ўз ифодасини топган.**

Мазкур ҳужжат билан тасдиқланган манзилли дастурда 146 та лойиҳа жой олган бўлиб, улар ижросига 639 миллиард сўм маблағ йўналтирилиши ва бунинг натижасида 11 мингдан ортиқ аҳоли учун янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган эди. Бу вазифаларнинг амалга оширилиши йиллар давомида йиғилиб қолган муаммоларни ҳам босқичма-босқич ҳал этилишига хизмат қиляпти.

Давоми 5-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМҒАРМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

молиявий тақчилликни бартараф этиш учун жалб этилган маблағлар, шу жумладан, бюджет ссудаси ва тижорат банкларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш харажатларини молиялаштириш учун жойлаштирилган ресурсларнинг фоиз ставкалари ўртасида юзага келадиган салбий тафовут.

Молия вазирлиги мазкур бандда кўзда тутилган мақсадлар учун маблағларни 2021 йилда Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан молиялаштирсин ва 2022 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутсин.

5. Қуйидагилар Жамғарманинг **асосий вазифалари** этиб белгилансин:

пахта хомашёси ва буғдой етиштириш харажатларини молиялаштириш;

асосий майдонларда экиладиган сабзавот маҳсулотларини етиштиришни молиявий қўллаб-қувватлаш;

ички бозорда дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш учун зарур буғдойни бозор нархларида харид қилиш ва биржа савдоларига қўйиш;

фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотларига замонавий, юқори самарали қишлоқ хўжалиги техникасини етказиб беришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

қишлоқ хўжалигини молиялаштириш ва ҳисоб-китоб тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

ривожланган давлатларнинг аграр соҳасини молиялаштириш бўйича тажрибасини ўрганиш ҳамда уларни республикада жорий қилиш.

6. Белгилансинки:

а) қуйидагилар **Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг асосий манбалари** ҳисобланади:

тижорат банкларига мақсадли ҳамда лизинг ташкилотларига қишлоқ хўжалиги техникасини лизинг шартларида етказиб беришни молиялаштириш учун жойлаштирилган кредит ресурслари ҳамда қарз маблағларини қайтаришдан тушадиган тушумлар ва уларга ҳисобланган фоиз тўловлари;

Жамғарма томонидан сотиб олинган буғдойни харид қилиш (сотиб олиш, сақлаш, ташиш ва сотиш харажатлари билан бирга) ва сотиш нархлари ўртасида юзага келган ижобий тафовут;

жалб қилинган чет эл кредитлари бўйича валютанинг айирбошлаш курсининг ўзгариши натижасида юзага келадиган зарарни қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратилган маблағлар;

жалб этиладиган кредитлар, шу жумладан, чет эл кредитлари ва инвестициялар, халқаро молия институтлари грантлари ва донор ташкилотларининг маблағлари;

Жамғарманинг маблағларини тижорат банкларига депозитга жойлаштиришдан тушадиган даромадлар;

қишлоқ хўжалиги техникаси лизинг ёки кредит шартларида харид қилинганда уларнинг фоиз харажатлари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги техникасини харид қилиш учун субсидия ҳамда комбайнларни хорижда хизмат кўрсатиши (хизматлар экспорти) учун ташиш транспорт харажатларига компенсация тўлашга Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратилган маблағлар;

пахта йиғим-терими учун ажратиладиган тижорат кредитлар бўйича фоиз ставканинг бир қисмини қоплашга компенсация тўлаш учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратилган маблағлар;

молиявий тақчилликни бартараф этиш учун жалб этилган маблағлар, шу жумладан, бюджет ссудаси ва тижорат банкларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш харажатларини молиялаштириш учун жойлаштирилган ресурсларнинг фоиз ставкалари ўртасида юзага келадиган салбий тафовутни қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратилган маблағлар;

бюджет тизимининг бюджетларидан жалб қилинадиган маблағлар;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

б) Жамғарма маблағлари **қуйидаги мақсадлар учун сарфланади:**

пахта хомашёси, буғдой ҳамда асосий майдонларда экиладиган сабзавот маҳсулотларини етиштиришни молиялаштириш учун тижорат банкларига ресурс жойлаштириш;

Ғалла етиштириш, харид қилиш ва сотишга бозор тамойилларини кенг жорий этишни мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши таклифига асосан, тижорат вакили билан биргаликда ички бозорда нарх барқарорлигини таъминлаш учун хорижий давлатлардан буғдой сотиб олиш;

жалб қилинган бюджет ссудаси, кредит ва унга ҳисобланган фоизларни қайтариш;

жалб қилинган чет эл кредитлари бўйича чет эл валютаси ва сўмдаги барча харажатларни, шунингдек, валюта курси ҳамда фоиз тўловлари бўйича юзага келадиган зарарларни қоплаш;

қишлоқ хўжалиги техникаси лизинг ёки кредит шартларида харид қилинганда уларнинг фоиз харажатлари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги техникасини харид қилиш учун қонунчиликда белгиланган миқдорда субсидия тўлаш;

комбайнларнинг хорижда хизмат кўрсатиши (хизматлар экспорти) учун ташиш транспорт харажатларига қонунчиликда белгиланган миқдорда компенсация тўлаш;

пахта йиғим-терими учун тижорат кредитлар бўйича фоиз ставканинг бир қисмини қоплаш учун қонунчиликда белгиланган миқдорда компенсация тўлаш;

Жамғарма томонидан сотиб олинган буғдойни харид қилиш (сотиб олиш, сақлаш, ташиш ва сотиш харажатлари билан бирга) ва сотиш нархлари ўртасидаги салбий тафовут бўйича зарарларни қоплаш;

Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасини бошқариш департаментини сақлаш харажатларини молиялаштириш.

в) Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти томонидан амалга оширилади.

7. Қуйидагилар:

Жамғарманинг барча ҳисобварақларига, шу жумладан, Жамғарма айланма маблағлари ҳисобидан операциялар ўтказиладиган тегишли банк ҳисобварақларига нисбатан **чеклов чоралари қўлланилмаслиги;**

Жамғарма маблағлари белгиланган муддатларда қайтарилмаган тақдирда, улар Жамғарма томонидан инкассо топшириқномаси билан ундирилиши белгилаб қўйилсин.

8. Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш **жамғармаси кенгаши** таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидагилар **Жамғарма кенгашининг асосий вазифалари** этиб белгилансин:

Ғалла етиштириш, харид қилиш ва сотишга бозор тамойилларини кенг жорий этишни мувофиқлаштирувчи Республика кенгашига ички бозорда нарх барқарорлигини таъминлаш учун хорижий давлатлардан буғдой сотиб олишга доир таклиф киритиш;

Жамғарма ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идораларнинг аграр соҳа тармоқларини молиялаштириш ва ривожлантириш бўйича амалга ошираётган ишлари натижаси тўғрисида ҳисоботларини эшитиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасига Жамғарма фаолиятини такомиллаштиришга доир таклифларни киритиш;

Жамғарма томонидан тайёрланадиган Жамғарманинг тушумлар ва харажатлар балансини кўриб чиқиш ва унинг Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминлаш;

Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаментининг Жамғарма маблағларидан самарали фойдаланиш бўйича ўтказган назорат тадбирлари натижалари юзасидан хулосаларни муҳокама қилиш ва камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш.

9. **Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасини бошқариш департаментининг** (кейинги ўринларда — Департамент) **тузилмаси** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

10. Департаментга, истисно тариқасида, Жамғарма маблағларини электрон аукцион ўтказмасдан тўғридан-тўғри шартномалар асосида тижорат банкларида депозитга жойлаштириш ҳуқуқи берилсин.

11. Марказий банк **бир ҳафта муддатда** Жамғармага молиявий операциялар ўтказиш учун миллий ва чет эл валютасида тегишли махсус ҳисобварақлар очилишини таъминласин.

12. Молия вазирлиги:

Жамғармада вақтинчалик маблағ тақчиллиги юзага келганда, жорий йилнинг ўтган даврида жойлаштирилган давлат қимматли қоғозларининг ўртача фоиз ставкасида икки йил муддатгача бюджет ссудасини ажратсин;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда нарх барқарорлигини таъминлаш учун дон сотиб олиш, сотиш ва сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Жамғарма томонидан хўжалик юритувчи субъектларга компенсация ва субсидияларни тўлаш тартибини соддалаштириш ва такомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

Бунда Жамғарма томонидан компенсация ва субсидияларни тўлаш Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг буюртмалари асосида амалга оширилиши назарда тутилсин.

14. Қуйидагилар:

**Бош вазир ўринбосари Ж.А.Қўчқоров** ушбу Фармоннинг тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилишига, масъул вазирлик ва идораларнинг фаолиятини самарали ташкил этишга ҳамда мувофиқлаштиришга, улар раҳбарларининг кўрилган чоралар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитишга, аниқланган муаммо ва камчиликларни тезкор бартараф этишга;

**молия вазири Т.А.Ишметов** аграр соҳани молиялаштиришда юзага келадиган тақчилликни қоплаш учун зарур маблағларни бюджет тизими бюджетлари ҳисобидан ўз вақтида ажратишга, шунингдек, бюджетдан қўшимча ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланишини назорат қилишга шахсан масъул ва жавобгар эканлиги белгилансин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатлари 4-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

17. Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Мазкур Фармон ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига **ҳар чорак якуни бўйича** ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 26 февраль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 2020-2030 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН СТРАТЕГИЯСИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАРНИ 2021 ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

2) **қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш** йўналишида шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра бир туманда учтагача пахта-тўқимачилик кластерларига фермер хўжаликлари билан шартнома асосида фаолият юритишига ва фермер хўжаликларига ушбу кластерлар билан пахта хомашёсини етказиб бериш бўйича **ихтиёрий равишда фьючерс шартномаларини тузиш ҳуқуқи берилади.**

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Адлия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, "Ўзтўқимачиликсаноати" уюшмаси, Пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда **бир ой муддатда** агрокластерларни ташкил этиш, уларга ер майдонлари ажратиш, улар фаолиятининг асосий кафолатларини ва қўллаб-қувватлашни назарда тутувчи тартиб ва таомилларни ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

3) **ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш йўналишида:**

а) ернинг бозор қийматини баҳолаш ҳамда кейинчалик ундан гаров таъминоти сифатида фойдаланиш амалиёти тизимли йўлга қўйилади. Бунда, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги биринчи навбатда, боғ, ток ва иссиқхона жойлашадиган майдонларнинг бозор қийматини аниқлаш ва гаров таъминоти сифатида фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритади;

б) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2021 йилда қайта фойдаланишга киритиладиган ва ўзлаштириладиган ер майдонларининг прогноз кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин;

в) Сув хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда мавжуд сув инфратузилмасини яхшилашни назарда тутувчи **2021-2023 йилларга мўлжалланган чора-тадбирларни** белгиласин.

Бунда:

1 758 км канал, 443 км лоток, 329 та гидротехника иншоотлари, 1 899 км коллектор-дренаж, 728 км ёпиқ горизонтал ва вертикал дренаж, 1 896 та мелиоратив кузатув қудуқлари ва бошқа объектларни қуриш ва реконструкция қилиш;

5 026 км магистрал канал, 45 595 км мелиорация тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш, 518 та насос агрегатлари ҳамда 807 та электродвигателларни янгилаш;

сув ресурсларидан фойдаланишни **онлайн режимда** назорат қилиш, гидрологик постларни рақамли технологиялар асосида автоматлаштирилган ускуналар билан жиҳозлаш, суғоришда сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш назарда тутилади;

4) **қишлоқ хўжалиги тармоғини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган давлат харажатларини босқичма-босқич диверсификация қилиш** йўналишида:

а) **2021 йил 1 сентябрдан бошлаб** қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга **сертификатланган қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари ва кўчатларини харид қилиш учун** ажратиладиган тижорат банкларининг кредитлари бўйича Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан:

**фоиз харажатларини қоплаш учун** қуйидаги миқдорларда компенсация тақдим этилади:

миллий валютада кредитлар бўйича — тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг Марказий банкнинг асосий ставкасидан ошадиган, **лекин 10 фоиз пунктидан кўп бўлмаган қисми;**

хорижий валютада кредитлар бўйича — тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг **30 фоизигача, лекин 3 фоиз пунктидан кўп бўлмаган қисми;**

кредит суммасининг **50 фоизигача** миқдорида **кафиллик** тақдим этилади;

б) 2021 йил 31 декабрга қадар маҳаллий уруғчилик хўжаликларидан сертификатланган қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари ва кўчатларини сотиб олган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга **сотиб олинган уруғ ва кўчатлар қийматининг 20 фоизигача Давлат бюджетидан қоплаб берилади;**

в) лимон етиштириладиган иссиқхоналар барпо этишда муқобил энергия (табиий газга нисбатан) орқали ишлайдиган иситиш тизимини харид қилиш харажатларининг бир қисмини давлат бюджетидан қоплаш тартиби жорий этилади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) билан биргаликда бир ой муддатда сертификатланган қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари ва кўчатлари қийматининг, шунингдек, лимон етиштириладиган иссиқхоналарни барпо этишда муқобил энергия орқали ишлайдиган иситиш тизимини харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартибини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

г) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари билан биргаликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг талаблари асосида вируслардан холи, юқори ҳосилли **сертификатланган уруғ ва кўчатларни етиштириш ва етказиб бериш тизимини** самарали йўлга қўйсин;

д) 2021 йил 1 мартдан бошлаб "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида боғдорчилик, узумчилик ва лимончиликни ривожлантириш учун аҳолига ажратиладиган кредитлар муддати **3 йилдан 7 йилгача,** имтиёзли давр эса **1 йилдан 3 йилгача** узайтирилади.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги мазкур кичик бандга асосан ажратиладиган кредитларни молиявий ресурслар билан таъминлаш чораларини кўрсин;

5) **илм-фан, таълим, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини ривожлантириш** йўналишида:

Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг таркибидаги илмий муассасаларнинг ер майдонларида **тадбиркорлик субъектларини шартнома асосида жалб қилган ҳолда** сабзавот, полиз ва картошка, дуккакли, мойли экинлар, мевали ва ток кўчатлари етиштиришни ташкил этсин;

ҳудудларда шаклланган деҳқончилик кўникмалари ва илғор тажрибалардан келиб чиқиб, маҳаллий сертификатланган юқори ҳосилли ва сифатли уруғчилик ҳамда кўчатчиликни кенг жорий этиш мақсадида илмий-тадқиқот институтлари 2-иловага мувофиқ туманларга бириктирилсин;

6) **қишлоқ хўжалиги тармоғи статистикасининг шаффоф механизмини яратиш** йўналишида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги қуйидагиларни назарда тутувчи 2021 йилда соҳада ахборот технологияларини ривожлантириш чораларини кўрсин:

ердан фойдаланувчилар реестри бўйича **3 млн гектардан** ортиқ суғориладиган ерларнинг мониторингини йўлга қўйиш;

5 турдаги асосий қишлоқ хўжалиги экинларининг (пахта, ғалла, шоли, картошка, мойли экин) экилишини космик суратлар ёрдамида таҳлил қилиш;

**"ArcGIS"** дастури ёрдамида қишлоқ хўжалиги ерларининг асосий ва такрорий экин турлари, ҳосилдорлик даражасидан келиб чиқиб, интерфаол харитада кузатиш имкониятига эга ягона ахборот базасини шакллантириш ҳамда унинг миллий геоахборот тизими билан интеграция қилинишини таъминлаш;

ер майдонлари ва тупроқ таркиби тўғрисидаги ахборотлар, экинларни жойлаштириш, мақбул агротехник тадбирларни амалга ошириш бўйича ва бошқа илмий-инновацион ютуқлар ва илғор тажрибаларни мунтазам тақдим этиш;

устувор қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳақида бозор маълумотларини кенг оммага очиқ тақдим этиш;

ягона интеграцион платформани ахборот хизматлари билан бойитиш, жумладан, кадастр, об-ҳаво маълумотлари, аризаларни электрон расмийлаштириш тизими, кредитлаш ва субсидиялаш, агрохизматлар, агроскоутинг хизмати, фитосанитария хизматлари, мониторинг хизматлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги жараёнларини кузатиш тизимини жорий этиш;

миллий геоахборот тизими билан интеграция қилиш, ер ва сув ресурслари бўйича узлуксиз маълумотлар алмашинувини таъминлаш.

2. Мева-сабзавотчилик кластерлари, фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда бошқа маҳсулот етиштирувчиларни қийнаётган муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ҳамда инвестицион жозибадорликни ошириш мақсадида тажриба-синов тариқасида **2021 йилнинг якунига қадар фаолият юритадиган мева-сабзавотчилик тармоғини қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантириш Республика кенгаши** (кейинги ўринларда — Кенгаш деб юритилади) 3-иловага мувофиқ таркибда тасдиқлансин.

**Кенгашнинг асосий вазифалари этиб:**

бир ойда камида бир марта жойлардаги мева-сабзавотчилик тармоғига оид муаммоли масалаларни кўриб чиқиш ҳамда уларни бартараф этиш;

мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш бўйича қабул қилинган қарорлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жойларга ташрифи ва йиғилишларидаги топшириқлари ижросини таъминлаш;

ўрганишлар асосида аниқланган тизимли муаммо ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш белгилансин.

Белгилансинки, Кенгашнинг ишчи органи функцияси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига юклатилади.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ҳамда туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонлари этиб қуйидагилар белгилансин:

қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришда экин турининг ҳудудлар тупроқ-иқлим **шароитига мослиги, ҳосилдорлиги, экспортбоплиги, яхлит майдонларда етиштирилишини** таъминлаш;

ҳар бир туманда сертификатланган **уруғ ва кўчатларни етиштириш ҳамда етказиб бериш тизимини йўлга қўйиш;**

хусусий секторни кенг жалб қилган ҳолда **Organic, Global G.A.P.** ва бошқа халқаро тан олинган стандартлар талабларига мувофиқ **синов лабораторияларини ташкил этишга кўмаклашиш;**

ҳудудларнинг органик маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш имкониятини ошириш, илғор агротехнологиялар, инновацияларни жорий этиш;

тупроқни ҳимоя қилиш тизими, пестицид ва ўғитларни меъёрда ишлатишни ва кимёвий воситаларнинг улар сифатини илмий асосланган ҳолда қўлланилишини назорат қилиш;

ҳудудларда сув хўжалиги инфратузилмасини яхшилаш ва сув тежовчи технологияларни кенг жорий этиш;

хусусий секторни кенг жалб қилган ҳолда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини халқаро талаблар асосида, сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича тўлиқ синовдан ўтказиш имкониятига эга бўлган лабораториялар, божхона терминаллари ва бошқа хизматларни йўлга қўйиш чораларини кўриш.

4. Қуйидагилар:

ҳар бир туманни қишлоқ хўжалиги экинлари муайян турини етиштиришга ихтисослаштиришга — қишлоқ хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Ш.Ж.Тешаев;

қишлоқ хўжалиги экинлари экилишини ҳамда ерларни фойдаланишга киритишни **мониторинг** ва **назорат қилишга** — қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари М.И.Рўзметов;

маҳсулот етиштирувчиларни уруғ ва кўчат билан таъминлашда **илмий асосланган тавсияларни жорий этишга** — қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари А.М.Тўраев;

қишлоқ хўжалигини барқарор сув ресурслари билан таъминлаш, **сув хўжалиги инфратузилмасини яхшилаш** ва сув тежовчи технологияларни кенг жорий этишга — сув хўжалиги вазири Ш.Р.Хамраев;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни молиявий қўллаб-қувватлаш ва **қишлоқ хўжалигини молиялаштириш тизимига қўшимча механизмлар ва молиявий воситаларни жорий этишга** — қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари Ш.Ш.Мирзаев;

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат бозори мониторингини юритиш тизимига **ахборот технологияларини жорий қилишни кенгайтиришга** — қишлоқ хўжалиги вазирининг ахборот технологиялари бўйича ўринбосари Қ.А.Юлдашев шахсан масъул этиб белгилансин.

5. Бош вазир ўринбосари Ш.М.Ғаниев **икки ҳафта муддатда:**

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2021 йилда амалга ошириш бўйича **"Йўл харитаси"**ни;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2021 йилда қайта фойдаланишга киритиладиган ва ўзлаштириладиган ер майдонлари бўйича вилоятлар ва ташаббускорлар кесимида **манзилли рўйхатни тасдиқласин.**

6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

а) **2021 йил 1 августга қадар:**

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда БМТнинг барқарор тараққиёт мақсадларида белгиланган Озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича мезонлар ва бошқа илғор тажрибалар асосида халқаро экспертларни жалб этган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг озиқ-овқат хавфсизлиги ва истеъмоли бўйича дастурини;

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Гидрометеорология хизмати, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси билан биргаликда қишлоқ хўжалигига иқлим ўзгариши таъсирининг олдини олиш ва унга мослашиш бўйича ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин;

б) **икки ой муддатда** қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ш.М.Ғаниев, қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А.Ходжаев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 26 февраль

МУНОСАБАТ



**Улуғбек ИНОЯТОВ,**
**Олий Мажлис**
**Қонунчилик палатаси**
**спикери ўринбосари**

# ХАЛҚАРО МИҚЁСДАГИ ЮКСАК ЭЪТИРОФ

**Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясидаги нутқи, унда илгари сурилган таклиф ва ташаббуслар мамлакатимизни ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари билан чамбарчас боғлиқдир.**

Айтиш керакки, бугунги кунда мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатга, хусусан, БМТнинг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протоколига қўшилган. Уларнинг рўёбга чиқарилиши бўйича Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш ва бошқа тузилмаларга доимий равишда миллий маърузалар тақдим этиб келинмоқда. Ўзбекистоннинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашга аъзо сифатида қабул қилиниши юртимизда кейинги йилларда инсон ҳуқуқларини муҳофазалаш борасида амалга оширилаётган муҳим ўзгариш ва янгиланишларнинг халқаро миқёсдаги юксак эътирофи бўлди.

Президентимиз ўз нутқида Ўзбекистон кейинги йиллар давомида кенгашга аъзо бўлиш учун бутун масъулиятни англаган ҳолда интилиб келганини таъкидлади. Демократикислоҳотлар янги Ўзбекистонни бунёд этишга қаратилгани ва бу ўзгаришлар ортга қайтмайдиган тус олгани алоҳида қайд этилди. Шунинг учун ушбу нутқ халқаро майдонда юқори баҳоланди, етук сиёсатчилар, обрўли мутахассислар нутқда еттита йўналишда қайд этилган вазифа ва ташаббусларнинг ҳар бирини эътироф этмоқда.

Нутқда, биринчи навбатда, 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадлари мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашни кўзда тутадиган "ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик" тамойили асосида амалга оширилишига урғу берилди. Ушбу мақсадларга сўзда эмас, амалда эришиш бўйича Ўзбекистоннинг режа ҳамда вазифалари инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегия орқали аниқ белгилаб олинган.

2020 йил 22 июнда Президентимизнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги фармони қабул қилинганди. Стратегияда Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар меъёрларини бажариши юзасидан масъул давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб берилган.

Миллий стратегияда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларини, умумэътироф этилган халқаро стандартлар ҳамда Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мажбуриятларини, шунингдек, БМТнинг устав органлари ва шартномавий қўмиталарининг тавсияларини ҳисобга олган ҳолда қонунчиликни такомиллаштириш устувор вазифа ҳисобланади.

Бундан ташқари, миллий стратегияда қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларга мувофиқлаштириш, Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро рейтинглар ва индекслар бўйича дунёдаги 50 та етакчи мамлакат қаторига киришини таъминлаш устувор аҳамият касб этади.

Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари ва эркинликлари, фикр, сўз ва виждон эркинлигини таъминлашда давлат бошқарувидаги кенг қамровли ўзгаришлар рўй бермоқда. Жумладан, парламент ва жамоатчилик назоратининг самарали механизмлари мустаҳкамланмоқда, Вазирлар Маҳкамасининг парламент олдидаги масъулияти кучайтирилди. "Электрон парламент" ва "электрон ҳукумат" тизими ривожлантирилиб, фуқароларга давлат хизматларини кўрсатиш сифати ва самарадорлиги ошмоқда. Ҳукумат тузилмаларининг фуқаролар ҳуқуқлари таъминланиши борасидаги фаолияти бўйича мунтазам парламент назорати механизмлари йўлга қўйилди.

**Президентимизнинг сиёсий иродаси, давлат идоралари фаолиятини мувофиқлаштиришдаги қатъияти асосида** барча муҳим қарорлар бевосита халқ билан мулоқот асосида, жамоатчиликнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинмоқда. "Ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик" тамойилини рўёбга чиқариш йўлида ижтимоий ҳимоя ва фуқароларни қўллаб-қувватлашнинг қуйидан юқоригача бўлган янги тизими яратилди. **Аҳоли мурожаатлари ва муаммоларини ўрганиш, эҳтиёжманд фуқароларга манзилли ёрдам бериш жараёнларига бутун давлат бошқаруви тузилмаларининг сафарбар этилиши, "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"** жорий қилиниши мамлакатда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий фаоллик ошишини амалда таъминламоқда.

Давлатимиз раҳбари яқинда Фарғона вилоятига ташрифи давомида фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган **"маҳаллабай" тизим асосида ишлашнинг аҳамиятини яна бир бор тушунтириб берди.** Маҳаллаларда фикрлаш ва турмуш тарзи ўзгарса, бундай муҳит бориб-бориб мамлакатдаги ижтимоий барқарорликни оширишга ижобий таъсир кўрсатади. Наманган вилоятига ташрифи чоғида Президентимиз ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларини амалга ошириш, иш ўринлари яратиш, аҳолининг бандлик даражасини яхшилаш зарурлигини, бу ишлар аҳолининг харид қобилиятини кўтаришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Аҳолининг харид қобилияти ошиши эса, ўз навбатида, фуқароларнинг устувор ҳуқуқлари таъминланиши имкониятларини кенгайтиради.



> **МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯДА МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИНИ, УМУМЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДАГИ МАЖБУРИЯТЛАРИНИ, ШУНИНГДЕК, БМТНИНГ УСТАВ ОРГАНЛАРИ ВА ШАРТНОМАВИЙ ҚЎМИТАЛАРИНИНГ ТАВСИЯЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ УСТУВОР ВАЗИФА ҲИСОБЛАНАДИ.**

Ҳукуматнинг 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ҳам қабул қилинган бўлиб, унда 17 та мақсад ва улар доирасида амалга ошириладиган вазифалар қамраб олинган. Жумладан, амалга ошириладиган тадбирлар натижасида 2030 йилгача Ўзбекистонда ўта қашшоқликни тугатиш, кам таъминланган аҳоли сонини ҳозиргига нисбатан икки баравар камайтириш пировард мақсад ҳисобланади. Кейинги йилларда камбағалликни қисқартириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар, эришилаётган натижалар бу мақсадга эришиш мумкинлигини исботлади.

Президентимиз ўз нутқида инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ яна бир устувор йўналиш — ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилиш кутилаётгани, Ўзбекистон ногиронлиги бўлган шахсларнинг ўз қобилиятини тўла рўёбга чиқариш масалалари бўйича минтақавий кенгаш тузишни таклиф этиши маълум қилинди. Булар ўзига хос тарихий воқелик ҳисобланаётгани бежиз эмас.

Мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахслар масалалари доимий диққат-эътиборда. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, тўсиқсиз муҳит яратиш, жамиятга интеграция қилиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Қонунчилик палатасида давлатимиз раҳбари нутқининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти бўйича тарғибот-тушунтириш ишларини кучайтириш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда парламент ва депутатлик назоратининг натижадорлигини ошириш бўйича ўтказилган давра суҳбатида ногиронлиги бўлган шахсларнинг республика жамиятлари мутасаддилари 25 йил давомида ечимини кутиб қолган масалалар кейинги 3-4 йилда самарали ҳал этилаётганини алоҳида таъкидлади. Бу фикр ҳаётий асосларга эга.

Дарҳақиқат, ногиронлиги бўлган шахслар мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳамда маданий ҳаётида фаол иштирок этиши учун зарур ҳуқуқий, ташкилий шарт-шароитлар яратилмоқда. Аввало, қонунчиликка муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Масалан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олиши, касб танлаши, илм ва ҳунар ўрганиши борасидаги ҳуқуқларини амалга ошириш масаласида Меҳнат кодексига, "Таълим тўғрисида"ги қонунга янги меъёрлар қўшилди. Шаҳарсозлик кодексида ногиронлиги бўлган шахсларнинг эркин ҳаракатланиши учун, ижтимоий объектларга эмин-эркин кириб чиқиши учун шароит яратиш масалалари кўзда тутилди.

Ўтган йили 15 октябрда давлатимиз раҳбари "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги қонунни имзолади. Шу йилдан эътиборан кучга кирадиган мазкур қонун орқали ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш бўйича мутлақо янги тизим яратиладиган бўлди.

Таълим олишнинг барча босқичларида ногиронлиги бўлган шахсларга шароит яратилиб, касб-ҳунарга ўргатиш, коллеж ва техникумларда таълим олиши давлат ҳисобидан таъминланади. Маҳаллий ҳокимликлар ногиронлиги бўлган шахслар уй-жой шароитини яхшилашга масъул бўлади.

Бу ҳақда гап кетганда, яна айрим жиҳатларга эътибор қаратиш лозим:

— жорий ўқув йилида ногиронлиги бўлган 3 мингга яқин йигит-қиз олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинди;

— Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида ихтисослаштирилган идора ва Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди;

— Ўзбекистон Ногиронлар жамияти ва Ногиронлар ассоциациясига маромида фаолият юритиши учун биринчи марта 1 миллиард сўм субсидия ажратилди;

— бу йил давлат бюджетидан 1,2 миллион оилани моддий қўллаб-қувватлаш назарда тутилган. Албатта, бундай оилаларда ногиронлиги бўлган шахслар ҳам бор.

Ана шу ва бошқа кўплаб асосларга таяниб айтиш мумкинки, Ўзбекистон Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилишга янги ислоҳотлар давридан бошлаб тизимли ҳозирлик кўриб келмоқда.

Мазкур халқаро ҳужжат БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2006 йил 13 декабрда қабул қилинган бўлиб, унда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини ва бу ҳуқуқлардан бошқалар билан тенг равишда фойдаланиш имкониятларини кафолатлаш тамойиллари акс эттирилган.

Конвенцияда ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олиши, меҳнат қилиши, сиёсий, ижтимоий, маданий ҳаётда иштирок этиши, ўзлари ва оиласи учун етарлича турмуш шароитига эга бўлиши, ижтимоий ёрдам ҳуқуқларидан фойдаланиши билан боғлиқ кафолатлар ўз ифодасини топган.

Конвенция имзолаш учун очилган кундан бошлаб инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ҳар қандай бошқа конвенциядан ҳам кўпроқ имзо тўплаган. Шунинг учун у инсон ҳуқуқлари соҳасида дунёдаги энг муҳим ҳужжатлардан бири ҳисобланади. Ўзбекистоннинг унга қўшилиши мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи янада ошишига хизмат қилади.

Олий Мажлис палаталари вазирлик ва идоралар раҳбарларининг Миллий стратегия ва уни амалга ошириш бўйича "йўл харитаси"нинг ижро ҳолати ҳақидаги ахборотларини йилнинг ҳар чорагида эшитиб, танқидий муҳокама қилиб бориши кўзда тутилган. Қонунчилик палатаси назорат-таҳлил соҳасидаги фаолиятида бу масалага алоҳида эътибор қаратади. Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилиш билан боғлиқ ташкилий ва ҳуқуқий жараёнларни самарали ташкил этиш устувор вазифаларимиздан биридир.

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ РИВОЖИ — ФАРОВОНЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

**Халқимизнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш, озиқ-овқат хавфсизлигини ва аҳоли бандлигини таъминлаш, барқарор ривожланишга эришишда қишлоқ хўжалигининг ўрни жуда катта. Шу боис, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва бозор тамойилларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилиб, соҳага доир кўплаб ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Хусусан, боғдорчилик, узумчилик, мева-сабзавотчилик, шоличилик, чорвачиликни ривожлантириш, сувни тежаш, агрокорхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш механизмлари йўлга қўйилиши натижасида соҳада катта ютуқларга эришилмоқда.**



***Равшан МАМУТОВ,***
***Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси***

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг асосий "ўсиш нуқтаси" ва драйвери бўлиши учун соҳани 2030 йилгача ривожлантириш стратегияси қабул қилингани эса минглаб янги иш ўринлари яратиш, аҳолининг реал даромадини оширишда юқори самара беряпти. Албатта, эришилаётган натижалар яхши, лекин ҳозирги давр бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришни, эртанги кунни ўйлаб, узоқни кўзлаб ислоҳотларни янги босқичга кўтаришни тақозо этмоқда. Демак, энди маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан бирга импорт қилинаётган товарлар ўрнини қоплаш ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқдир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида куни кеча қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида жорий йилда амалга ошириладиган устувор вазифалар муҳокамасига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу борадаги ҳолат таҳлил этилиб, истиқболдаги вазифалар белгилаб берилди. Экинларни ҳар бир туманнинг ўзига хослиги, маҳаллаларда тарихан шаклланган деҳқончилик кўникмалари, сув таъминотидан келиб чиқиб жойлаштириш зарурлиги қайд этилди.

Айтиш керакки, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ёшларнинг салоҳиятидан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Бу билан, аввало, ёшларнинг бандлиги таъминланади. Қолаверса, аграр соҳага инновацияларни кенг жорий этиш орқали ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, сифат ва самарадорликни юксалтиришга эришилади.

Шу мақсадда қишлоқ жойларда ёшларни иш билан таъминлашда янги тизим жорий қилинади. Хусусан, жорий йилда ёшларга 240 минг гектар ер майдонлари ажратиб берилади. Ушбу майдонларнинг 200 минг гектари пахта-ғалла майдонларидан, қолган 40 минг гектарини сабзавот-полиз ва бошқа экин майдонлари ажратиш кўзда тутилмоқда.

Бугунги кунга қадар 31 327 гектар ер майдонлари 136 197 нафар ёшларга ажратиб берилди. Ҳозир улар ўзларига ажратилган ер майдонларидан самарали фойдаланган ҳолда, экин-тикин қилиб даромад топиш ҳаракатида. Жорий йилда 240 минг гектар ернинг камида 200 минг нафар ёшга ажратиб берилиши шунча ёшларни даромадли иш билан таъминлашга хизмат қилади.

Олдимизда турган яна бир асосий вазифа бу — ёшларнинг ёнида туриб, уларга деҳқончилик сир-асрорларини ўргатиш, етарли шарт-шароитларни яратиб бериш ва меҳнатга қизиқтиришдан иборат. Бу борада ёшларга тажрибали агрономлар бириктирилиб, ерга ишлов бериш, экинларни экиш ва парваришлашни ташкил қилишга ёрдамлашилади, уруғ ва кўчат билан таъминланади. Энг муҳими, етиштирилган маҳсулотлар учун бозор топиб, "Томорқа хизматлари" ҳамда экспортёрларни бириктирган ҳолда, тайёр маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларга етказиб беришга кўмаклашилади.

Булар ҳали ҳаммаси эмас. Деҳқончиликни энди бошлаган ёшларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида сув таъминоти оғир бўлган ҳудудларда қудуқ қазиш, суғориш воситаларини харид қилиш, иссиқхона барпо этиш, уруғлик ва кўчатлар сотиб олиш учун ёшларга субсидиялар ажратиш ҳам назарда тутилган. Агар ҳозир 1 гектар майдонда етиштирилган пахта ҳосилидан ўртача ўн беш миллион сўм даромад олинаётган бўлса, 1 гектарда озиқ-овқат экинлари экиш ҳисобига эса етиштирилган ҳосилдан 35-40 миллион сўмгача даромад олишга эришилади.

Мамлакатимизда сув танқислиги билан боғлиқ вазият йилдан-йилга мураккаблашиб бормоқда. Охирги 10 йилда сув ҳажми 12 фоизга, 2020 йилда аввалги йилга нисбатан 15 фоизга камайган. Қолаверса, пахта ва ғалла етиштириш учун сарфланаётган электр энергияси ҳамда сувни етказиб бериш харажатлари ҳам кўп.

Табиийки, қишлоқ хўжалигини сувсиз тасаввур этиб бўлмайди. Айниқса, республикамиз аграр тармоғида обиҳаётнинг қадри жуда баланд. Чунки юртимизда етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, асосан, сувли майдонларга тўғри келади. Бу эса сувнинг ҳар томчисидан оқилона, тежамкорлик билан фойдаланишни тақозо этади.

Бу йил суғориш мавсумида сув таъминоти меъёрга нисбатан 25 фоиз кам бўлиши кутилмоқда. Шу боис, сув исрофига умуман йўл қўймаслик ҳаётий зарурат. Хусусан, 430 минг гектарда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш орқали 3 миллиард кубметр сувни иқтисод қилиш мумкин. Бу, ўз навбатида, шундай технология ва ускуналарга талабни оширади. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, томчилатиб суғориш тизимлари ва қувурлар ишлаб чиқариш учун жорий йил февраль-апрель ойларида 35-40 минг тонна полиэтилен зарур бўлади. Йиғилишда сувдан тежаб фойдаланиш масалалари муҳокама қилинар экан, сув тежовчи технологиялар учун зарур бўлган полиэтилен ва полипропилен учун импорт божи 1 октябргача бекор қилингани айтилди.

> **ШУ МАҚСАДДА ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА ЁШЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА ЯНГИ ТИЗИМ ЖОРИЙ ҚИЛИНАДИ. ХУСУСАН, ЖОРИЙ ЙИЛДА ЁШЛАРГА 240 МИНГ ГЕКТАР ЕР МАЙДОНЛАРИ АЖРАТИБ БЕРИЛАДИ. УШБУ МАЙДОНЛАРНИНГ 200 МИНГ ГЕКТАРИ ПАХТА-ҒАЛЛА МАЙДОНЛАРИДАН, ҚОЛГАН 40 МИНГ ГЕКТАРИНИ САБЗАВОТ-ПОЛИЗ ВА БОШҚА ЭКИН МАЙДОНЛАРИ АЖРАТИШ КЎЗДА ТУТИЛМОҚДА.**





Сув хўжалиги вазирлигига 3 мингдан зиёд насосларни таъмирлаш ва янгилаш, насос станцияларида электр энергияси ва сув сарфини "онлайн" мониторинг қилиш тизимини жорий этиш вазифаси қўйилдики, бу билан ҳосилдорлик кўтарилади ва сувни тежаш имконияти юзага келади. Сув хўжалигига рақамли технологияларнинг татбиқ этилиши эса маълумотларни онлайн олиш, ҳисоб-китобни аниқ юритиш, насос станциялари ва суғориш қудуқларини масофадан туриб бошқариш, энг муҳими, сув тақсимотида инсон омилини камайтириш, шаффофликни таъминлашга замин яратади.

Йиғилишда чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликни ривожлантириш чора-тадбирларига ҳам тўхталиб ўтилди. Бу йил 1 июлдан бошлаб, қўшилган қиймат солиғидан қарздорлиги бўлмаган чорвачилик, паррандачилик, қуёнчилик ва балиқчилик хўжаликларига етиштирган маҳсулоти учун бюджетдан субсидия ажратилиши таъкидланди.

Чорвачилик соҳасидаги ишлар ҳам изчил ривожлантирилиб, йил якунига қадар чорвачилик тармоқларида 2021 йилда умумий қиймати 7,3 триллион сўм, шундан 2,3 триллион сўм банк кредити маблағлари ҳисобига жами 1 828 та лойиҳалар амалга оширилиб, янгидан 20 мингта янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган.

Ғалладан бўшаган майдонлардан самарали фойдаланиш мақсадида, 178 минг 816 гектар майдонга такрорий озуқабоп экинлар экилади ҳамда 108 минг гектар оралиқ экинлар экилади. Умуман, чорва моллари озуқа базасини мустаҳкамлаш юзасидан омухта ем ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича 29 та лойиҳалар ишга туширилади.

Балиқчилик тармоғида 2020 йилда 929,2 миллиард сўмлик 508 та лойиҳа амалга оширилиб, 2000 та янги иш ўрни ташкил этилди. Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларидаги аҳоли хонадонларида интенсив усулда балиқ етиштиришни кенг жорий этиш ҳисобига 2021 йилда 400 минг тонна (2020 йилга нисбатан 134 фоизга) балиқ етиштирилади ва 27 минг тонна (155 фоиз) балиқ маҳсулотлари қайта ишланади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, йиғилишда белгилаб берилган вазифалар жуда муҳим ва долзарб. Мазкур масалаларни амалга оширишда парламент ва маҳаллий кенгаш депутатларидан янада фаоллик ва ташаббускорлик талаб этилади. Зеро, қишлоқ хўжалиги ривожи фаровонлик ва юксалишга замин яратади.

## ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

**Камбағаллик ҳар қандай мамлакат тараққиётига салбий таъсир қилувчи омиллардан бири ҳисобланади. Чунки, бу муаммо инсоний ресурслар ва салоҳият ривожига тўсқинлик қилади. Айниқса, аёлларнинг бундай оғир турмуш шароитига тушиши жиддий муаммолар келтириб чиқаради ва ундан нафақат аёлларнинг ўзи, балки, фарзандлари ҳам азият чекади. Шу боис, янги Ўзбекистон бунёд этилишининг ҳозирги босқичида давлатимиз томонидан хотин-қизлар ўртасида камбағалликни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Аёллар дафтари" бўйича олиб борилаётган ишлар бунга ёрқин мисол бўла олади.**



# "АЁЛЛАР ДАФТАРИ" — ИМКОНИЯТЛАР МАНБАИ



**Малика ҚОДИРХОНОВА, Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси**

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 8 январда қабул қилинган "Хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу йўналишда амалга оширилаётган хайрли ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

Қарор билан хотин-қизлар муаммоларини "Аёллар дафтари" орқали тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича вақтинчалик тартиб тасдиқланди. Унга кўра, ҳар бир сектор кесимида "маҳаллабай" асосида "Аёллар дафтари"га 30 ёшдан ошган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ишсиз, боқувчисини йўқотган эҳтиёжманд, ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган, уй-жойини таъмирлашга муҳтож I гуруҳ ногиронлиги бўлган хотин-қизлар киритилади. Шунингдек, нотурар жойларда истиқомат қилаётган, ўзининг ёки биргаликда яшовчи оила аъзоларининг номида турар жойи мавжуд бўлмаган хотин-қизлар, қарамоғида бир ёки ундан ортиқ I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган болалари мавжуд ёлғиз аёллар, тиббий ҳимояга муҳтож эҳтиёжманд, ҳуқуқий ёрдам олишга ва психологик маслаҳатга муҳтож хотин-қизлар киритилади.

Бугунги кунда ушбу дафтарга киритилган аёлларнинг ортиқча қоғозбозликсиз нафақа пулларига эга бўлиши, тадбиркорлик бошлаш истагида бўлганларнинг ўз бизнесини йўлга қўйиши, муайян касблар бўйича тегишли билим ва кўникма олиши билан бир қаторда тиббий кўмакка муҳтож хотин-қизлар ва уларнинг фарзандларига бепул тиббий хизмат ва ёрдам кўрсатилиши ҳам йўлга қўйилмоқда. Бунда оғир турмуш шароитидаги аёллар билан ишлашнинг шу каби ҳар бир йўналишига муайян идора масъул этиб белгиланган.

Жумладан, тадбиркорликни йўлга қўйиш истагида бўлган аёлларнинг молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятини таъминлаш вазифаси акциядорлик тижорат "Халқ банки" зиммасига юклатилган. Мазкур банк муассасаси томонидан хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида тегишли вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, "Халқ банки" тизимида, яъни республика, вилоят ва туман миқёсида хотин-қизлар бўйича ўринбосар лавозимлари ва марказий аппаратда "Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш департаменти" ташкил этилди. Департамент томонидан хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Жумладан, хотин-қизларни ишбилармонликка ўргатиш, касбга тайёрлаш, ўз ишини бошлаш истагида бўлган аёллар билан манзилли иш олиб бориш орқали мавжуд бизнес ғояларини қўллаб-қувватлаш, бизнес лойиҳаларни тузишда кўмаклашиш ва ўргатиш ҳамда кредит ажратишда амалий ёрдам кўрсатиш асосий вазифа сифатида белгилаб олинди.

Ҳозирги кунда мутахассислар томонидан "Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизлар 4 та тоифага ажратилган ҳолда ўрганилмоқда. Бизнес бошлашда йўналиш танлашга қийналган аёллар, айрим соҳадаги қобилиятли аёллар, тадбиркорлик қилиш истаги йўқ, иш жойига талаби бор бўлган аёллар шулар жумласидан. Ҳар бир тоифадаги аёлларга индивидуал ёндашган ҳолда улар билан манзилли иш олиб борилмоқда. Бу жуда муҳим, чунки ҳар бир инсоннинг бирор йўналишда оёққа туриб кетиши, аввало, унинг қобилияти ва истагига боғлиқ. Шу жиҳатдан ҳамма аёллар ҳам бизнесга лаёқатли бўлавермайди. Уларни қўллаб-қувватлашга давлат томонидан катта ҳажмда ресурс ажратилиб, барча имкониятлар яратилар экан, аёллар билан ишлайдиган тузилмалар биринчи галда барча саъй-ҳаракатлар натижа беришини ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Демак, "Темир дафтар"га киритилган хотин-қизлар билан индивидуал ишлаш бу — натижага эришиш деганидир.

Шу жиҳатдан АТ "Халқ банки" томонидан тадбиркорлик қилиш истагини билдирган аёлларнинг 69 877 нафари исми-шарифи, манзили билан рўйхатга олиниб дастур ишлаб чиқилмоқда. Бугунги кунга қадар молия муассасаси томонидан Савдо-саноат палатаси, "Тадбиркор аёл" ишбилармон аёллар уюшмаси ва "Ҳунарманд" уюшмаси билан биргаликда жойларда 2 минг нафардан ортиқ хотин-қизлар тадбиркорликка ўқитилди ва тегишли сертификатга эга бўлди.

Шу билан бирга, олтмиш хилдан ортиқ намунавий ва аёллар тадбиркорлигига мос бўлган "Бизнес режа" лойиҳалари ва тарқатма материаллар тайёрланиб жойларга етказилмоқда. Булар, асосан, хизмат кўрсатиш ва касаначилик асосидаги йўналишлар бўлиб, сарфланган маблағ қисқа муддатда ўзини оқлаши, бошланган бизнес доимий ва барқарор даромад манбаига айланиши кўзда тутилган. Қолаверса, касбга ўқитиш дастурлари ҳам замонавий меҳнат бозори эҳтиёжларидан келиб чиқиб тузилган. Сартарошлик, массаж, бухгалтерия ҳисоби, дастурловчи, веб-дизайнер, болалар ва қариялар энагаси каби талаб катта бўлган йўналишларда тегишли билим ва кўникма олган аёллар, аввало, иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлади, қолаверса, оилавий бюджетга ҳам муносиб ҳисса қўша олади.



Хотин-қизларнинг бизнес ғояларини молиялаштиришга келсак, жорий йил шу мақсадда 1 триллион сўмдан ортиқ кредит ажратиш белгилаб олинди. Бундан ташқари, аёлларнинг молиявий саводхонлигини ошириш ва тадбиркорликка йўналтириш бўйича алоҳида веб-саҳифа ва "телеграмм_бот" ишлаб чиқилмоқда.

Аёлларнинг иқтисодий фаоллигини қўллаб-қувватлаш мазкур молия муассасаси зиммасига юклатилган бўлса, тиббий кўмакка муҳтож, маиший турмуш шароити оғир аёлларга кўмак бериш Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси зиммасига юклатилган. Жумладан, ушбу тузилма орқали доимий даволанишга муҳтож аёлларга дори-дармон етказиб берилмоқда. Хотин-қизларга тиббий хизмат кўрсатишда уларнинг соғлиғи секторлар ишчи гуруҳлари томонидан тегишли тиббиёт ходимини жалб қилган ҳолда ўрганилмоқда. Ўрганиш натижаси бўйича касаллик аниқланган ва тиббий ёрдамга муҳтож хотин-қизлар туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникасида тиббий кўрикдан ўтишяпти. Тиббий кўрик натижаси юзасидан кўрсатма бўйича аёллар маҳаллий тиббиёт бирлашмасида стационар ёки амбулатор шароитда даволанади. Ногиронлик белгилари аниқ намоён бўлган беморлар белгиланган тартибда кўрикдан ўтиш учун Тиббий-меҳнат эксперт комиссияларига юборилмоқда.

"Аёллар дафтари"га киритилган уй-жойи таъмирталаб хотин-қизларга ҳам зарур миқдорда моддий маблағ ажратилмоқда. Қўлида ҳунари бор, бироқ маблағи йўқ аёлларга замонавий тикув машиналари ва бошқа жиҳозлар олиб бериляпти.

Томорқадан даромад манбаи сифатида фойдаланишга кўмаклашиш бу — "Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизлар билан ишлашнинг асосий йўналишларидан бири. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва бандликка кўмаклашиш вазирлиги ҳамда Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан томчилатиб суғориш технологияларини ўрнатиш ва бошқа ишларга тегишли миқдорда субсидиялар ажратилмоқда. Аёлларга ердан фойдаланиш йўл-йўриқлари мутахассислар томонидан ўргатилиб, турли кўчат ва минерал ўғитлар ҳам етказиб берилаётгани қувонарли ҳол, албатта. Чиндан ҳам, томорқа нафақат қишлоқ, балки шаҳар шароитида ҳам барқарор даромад манбаи ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг мўътадил иқлими шароитида картошка, кўкатлар ва сабзавотлардан йилига икки маротаба мўл ҳосил олиш мумкин. Иссиқхона ташкил этиш бўйича мўъжаз ва камхарж янги технологиялар қўлланилса, унда томорқа йил бўйи даромад келтирувчи ишончли манбага айланади. Балки айримлар "ернинг иши оғир, аёлга мураккаблик қилади", дейиши мумкин. Лекин, кўпчилик "Аёллар дафтарига" киритилганларнинг оила аъзолари, ўсмир ёшдаги ёрдамга лаёқатли фарзандлари бор. Биргаликда эса ҳар қандай ишни кўнгилдагидек уддаласа бўлади. "Аёллар дафтари" бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам худди шу фикрни билдириш мумкин. Республикамизнинг барча давлат бошқаруви органлари жалб этилган бу жараёнда хотин-қизларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, уларнинг саломатлигини тиклаш, илм олиши, касб эгаллаши учун барча имконият яратилмоқда. Бу имкониятлардан самарали фойдаланиш эса опа-сингилларимизнинг иродаси ва қатъий истагига боғлиқ.

## РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

# ЭЛЕКТРОН ТИББИЙ ХИЗМАТЛАР ҚАМРОВИ КЕНГАЯДИ



***Абдулла АЗИЗОВ, соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари***

**Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, тиббий хизмат сифатини халқаро андозалар даражасига кўтариш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тизимга замонавий ахборот технологиясини жорий этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.**
**Президентимиз яқинда қабул қилган "Соғлиқни сақлаш соҳасида рақамлаштириш ишларини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори тиббиёт соҳасида бошланган ижобий ўзгаришларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.**

Бугунги кунда соғлиқни сақлаш соҳасида IT ечимларни амалга оширишда ягона сиёсат ва стандартлар яратиш, тиббиёт ҳужжатларининг қоғоз шаклида юритилиши, статистикани шакллантиришда айрим қийинчилик ва муаммолар мавжудлиги сир эмас.

Шунингдек, хусусий секторлар томонидан яратилаётган ахборот тизимларининг аксарияти ахборот хавфсизлиги, вазирлик ва бошқа тиббиёт муассасалари билан маълумот алмашинуви ва интеграциялашуви талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги, ягона стандартлардан фойдаланилмаётгани, иш жараёни ягона платформага мослаштирилмагани сабабли улар кутилган самарани бермаяпти.

Президентимиз қарорида соғлиқни сақлаш соҳасини рақамлаштириш йўналишида қабул қилинган дастурларни самарали амалга ошириш мақсадида вазирликнинг "Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази" давлат унитар корхонаси негизида "IT-Med" масъулияти чекланган жамиятини ташкил этиш вазифаси белгиланди.

"IT-Med" МЧЖ "Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази" ДУКнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан, халқаро шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Унинг зиммасига соғлиқни сақлаш тизими ва ташкилотларидаги жараёнларни оптималлаштириш, рационаллаштириш, стандартлаштириш ва автоматлаштириш, соҳада ахборот тизимларини ривожлантириш учун амалга ошириладиган ҳамда халқаро молия ташкилотлари ҳисобига молиялаштириладиган лойиҳаларнинг техник-иқтисодий параметрлари, концепциялари ҳамда бошқа лойиҳа ва лойиҳаолди ҳужжатларни тайёрлаш каби қўшимча вазифалар юклатилмоқда.

Шунингдек, тиббиёт ва фармацевтика соҳасида ахборот технологияси ва коммуникациялари сиёсати ва стандартларини, "Электрон соғлиқни сақлаш" ахборот тизимлари ягона комплексини жорий этиш ва кузатиб бориш, уларнинг бошқа давлат органлари ахборот тизимлари билан интеграциясини таъминлаш, соғлиқни сақлаш тизимида бизнес жараён ва дастурий маҳсулотларни ўзида қамраб олувчи ахборот тизими ягона платформасини жорий этиш бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқиши шубҳасиз.

Соғлиқни сақлаш тизимидаги бизнес жараёнларни реинжиниринг қилиш ва рақамлаштириш натижасида соҳадаги ишларни ташкил этишнинг ҳозирги ҳолати ўрганилади, тиббиёт муассасаларининг бизнес жараёнлари моделлаштирилади, оптималлаштирилади ва автоматлаштирилади. Республика миқёсидаги тиббиёт муассасалари фаолиятида бизнес жараёнлар стандартлаштирилади.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ахборот тизимлари, ресурслари ва бошқа дастурий маҳсулотларни яратиш ва жорий этиш "IT-Med" МЧЖ билан келишилган ҳолда амалга оширилиши ушбу муаммолар ечимига хизмат қилади.



IT-реинжинирингни ривожлантириш, ушбу йўналишда халқаро тажрибани амалиётга татбиқ этиш кўзда тутилган.

Мазкур жараёнга инвесторлар, бизнес ҳамкорлар ва аутсорсинг хизматларини жалб қилиш муҳим вазифа сифатида белгиланди. Соғлиқни сақлаш соҳасида жорий этилаётган ахборот тизимлари ва

Аҳолини кенг доирада интерактив электрон тиббий хизматлар билан қамраб олиш мақсадида махсус дастур ва мобил иловалар ишлаб чиқилади.

## ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

# КОНСТИТУЦИЯГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

### *инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган*



***Робахон МАҲМУДОВА, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари***

**Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар жорий йилда ҳам изчил давом эттирилишини алоҳида таъкидлади.**
**Бу жараёнда эса суд ҳокимияти ҳал қилувчи ўринни эгаллайди.**

Шу боис, кейинги йилларда суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ этиш, соҳага замонавий ахборот технологияларини жорий қилишга эътибор тобора кучаймоқда. Бу йўналишда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларни тўла рўёбга чиқариш учун соҳанинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, амалдаги қонунларга, шу жумладан, Конституция нормаларига тузатишлар киритиш давр талабидир.

Айтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 107-моддасида амалдаги суд тизимига доир нормалар мустаҳкамланган. Суд тизимида янги ихтисослаштирилган судлар ташкил этилиши муносабати билан ҳозирга қадар мазкур моддага икки маротаба ўзгартириш киритилган.

Биринчи марта фуқаролик ишлари бўйича судлар ташкил этилиши муносабати билан 2003 йилда Конституциямизнинг ушбу моддаси такомиллаштирилган эди. Сўнгра 2017 йилда маъмурий судлар ташкил этилиши муносабати билан унга иккинчи бор ўзгартириш киритилди.

Бу ҳақда фикр юритганда, Президентимизнинг 2020 йил 24 июлда "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони хусусида алоҳида тўхталиш лозим. Фармонга мувофиқ, суд тизимида 2021 йил 1 январдан бошлаб вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик ишлари бўйича, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизида судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ва суд ишларини юритиш турлари бўйича алоҳида судлов ҳайъатларини ташкил этган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумюрисдикция судларини ташкил этиш белгиланган.

Маъмурий ва бошқа оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўришга ихтисослаштирилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманлараро маъмурий судларни ташкил этиш, шу муносабат билан туман (шаҳар) маъмурий судларини тугатиш кўзда тутилган. Бунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари сақлаб қолиниши эътиборга олинган.

Суд тизимида ана шундай ташкилий-тузилмавий ўзгаришлар амалга оширилаётганлигини инобатга олиб, 2021 йил 8 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан Конституциянинг 107-моддаси биринчи қисмига тегишли ўзгартишлар киритилди. Мазкур қонунни ишлаб чиқиш жараёнида Олий суд томонидан Россия, Озарбайжон, Грузия, Германия, АҚШ, Франция, Венгрия, Чехия, Литва, Латвия, Украина, Қозоғистон, Беларусь, Қирғизистон каби давлатларнинг вилоят ва унга тенглаштирилган судлари таркиби бўйича тажрибалари ўрганилди.

Мамлакатимизнинг Асосий қонунига киритилган ўзгартиришлар қуйидагилардан иборат:

**биринчидан,** вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик ишлари ҳамда жиноят ишлари бўйича судлар, иқтисодий судлар негизида судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ва суд ишларини юритиш турлари бўйича алоҳида судлов ҳайъатларини ташкил этган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумюрисдикция судлари ташкил этилди.

**Иккинчидан,** маъмурий ва бошқа оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўришга ихтисослаштирилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманлараро маъмурий судлар ташкил этилиб, шу муносабат билан туман (шаҳар) маъмурий судлари тугатилди. Бу, авваламбор, маъмурий судларнинг мустақиллигини таъминлаш, уларнинг адолатли ва асосли суд қарорларини қабул қилиши учун ҳуқуқий базани Конституция даражасида янада мустаҳкамлайди.

Судлар томонидан қонун устуворлиги ҳамда фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга ёрдам беради.

Мазкур ўзгартиришлар, ўз навбатида, фуқароларнинг судма-суд сарсон бўлиб юришига барҳам беради. Аҳоли муаммолари бир жойда ҳал қилинишига, ортиқча оворагарчиликларнинг олдини олишга шароит яратади.

Энг муҳими, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ушбу ўзгартиришлар одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтиради. Суд тизимини бошқариш такомиллашишига, суднинг чинакам мустақиллиги, қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг таъминланишига хизмат қилади.

## ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА








# СЎХ — БУНЁДКОРЛИК ВА ОБОДЛИК МАНЗИЛИ

Бошланиши 1-бетда

***Расулжон КАМОЛОВ,*** ***журналист.***
***Абдурауф ҚОРЖОВОВ,*** ***иқтисодий шарҳловчи.***

### КЎҲНА МАСКАНДА ЯНГИ ҲАЁТ НАФАСИ

— Йўл, сув, электр, аҳоли бандлигини таъминлаш айни куннинг муҳим амалларига айланган, — дейди туман ҳокимининг ўринбосари Содиқжон Мирзаев. — Шу кунга қадар 27 та маҳалла фуқаролар йиғинидаги 27 километр йўлда асфальтлаштириш, 25 километр масофадаги йўлакларда цементлаштириш ишлари олиб борилди. 60 километр йўл шағаллаштирилди ва ҳозирда улар атрофи ободонлаштириляпти. Аҳолига электр энергияси етказиб беришни яхшилаш мақсадида 1200 дона симёғоч, 26 дона трансформатор ўрнатилиб, 45 километрлик тармоқ тортилди.

Тоғ ҳудудидаги бўш турган ерларга сув чиқариш орқали уларни ўзлаштириш, деҳқончилик, боғдорчилик анъаналарини ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериляпти. Шу мақсадда "Қайроқ" массивида қурилиши олиб борилаётган янги кўтарма сув насос тармоғи мавжуд муаммолар ечимида қўл келади. Қурилаётган станция лойиҳасининг умумий қиймати 92 миллиард сўм бўлиб, 211 метр баландликда жойлашган 1400 гектардан зиёд майдонни сув билан таъминлайди. "Сўхгидроқурилиш" МЧЖ томонидан қурилиш ишлари олиб борилаётган станцияга Германияда ишлаб чиқарилган 3 дона насос ҳамда 1800 кВт. ҳажмдаги электродвигатель ўрнатилиб, Сўх дарёсидан сув олиш тўғони барпо этилмоқда.

— Сув бор жойда ҳаёт қайнайди, ривожланиш, янги ташаббуслар қанот ёзади, — дейди "Гузари Омади Одина" кўптармоқли хусусий корхона раҳбари Маҳаммадназар Нурматов. — Уч гектар ерга интенсив усулда, томчилатиб суғориш орқали боғ ташкил этяпмиз. Унга Сўх дарёсидан сув олиб келдик. Бу боғларимизни кенгайтириш, сара олма, нок, ўрик мевалари етиштириш ҳажмини ошириш, янги иш ўринлари яратишда асқотяпти.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш янги ташаббусларни ҳаётга жорий қилишга даъват этяпти, уларга молиявий қанот бўляпти. Ҳозирга қадар тадбиркорларнинг 140 та лойиҳасига имтиёзли кредитлар ажратилди. Бунда "Ҳазрати Али" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ташкил этилаётган ёшлар кичик саноат зонасининг аҳамияти катта. 3 гектар майдонни эгаллаган бу ҳудудда 40 дан ортиқ лойиҳани амалга оширишга киришилди. Уларнинг умумий қиймати 11 миллиард 250 миллион сўмга тенг бўлиб, қурилиш материаллари, озиқ-овқат, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган корхоналарда 250 дан зиёд иш ўрни яратилади.

Эътиборли жиҳати, аҳоли гавжум ҳудудда жойлашган кичик саноат зонаси яқинида кўп қаватли турар-жойлар, спорт майдончалари қурилиши янги саноат шаҳарчаси пайдо бўлишга замин ҳозирламоқда.

"Соҳибкор" маҳалла фуқаролар йиғинида қуриб битказилган "Ёшлар меҳнат гузари" хотин-қизларни касбга йўналтириш, иш билан таъминлашда ўзига хос ўринга эга. Бинода жойлашган фитнес-клубда 100 дан ортиқ маҳаллий ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун зарур шароитлар муҳайё этилди.

### ТОҒ ҚИШЛОҚ САНОАТЛАШМОҚДА

Сўхда вужудга келаётган янги корхоналар ички ва ташқи бозорда харидоргир маҳсулотларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаш кўламини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш имкониятини бераётгани билан эътиборни тортади. Айни кунда ҳудудда саноат йўналишида умумий қиймати 116 миллиард 129 миллион сўм бўлган 38 та янги лойиҳа ҳам амалга оширилмоқда. "Оқсарой Поинт" МЧЖ ана шундай корхоналар сирасига киради. Бу ерда қурилиш тармоқлари, уй-жой қурилишлари учун зарур бўлган бетон плита ва лотоклар тайёрлаш йўлга қўйилди.

— Корхона фаолиятни кенгайтириш мақсадида Хитойдан умумий қиймати 106 минг АҚШ долларига тенг бўлган пишиқ ғишт ишлаб чиқариш ускунаси олиб келдик, — дейди корхона раҳбари Олимжон Додомуллаев. — Шу кунга қадар бу маҳсулотларни четдан катта сарф-харажатлар ҳисобига келтирилар эди. Янги қувватимиз бу борадаги ортиқча харажат ва оворагарчиликларга барҳам бериши билан бирга, ўнлаб янги иш ўринлари ташкил этишда қўл келади.

Ана шундай истиқболли лойиҳалар устида иш олиб бораётган ташаббускорлар кўп. Масалан, "Хонгузари Мирзобек" хусусий корхонаси умумий қиймати 104 минг АҚШ долларига тенг замонавий МДФ эшик ромлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган ускуналар олиб келди. Бу олис қиш лоқда импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини сезиларли равишда оширмоқда.

Ўтган йилда туманда умумий қиймати 27,6 миллиард сўм бўлган 31 та лойиҳа амалга оширилиб, 461 та янги иш ўрни яратилгани ҳудуднинг саноатлашиб бораётганидан далолат беради.

### ЙИГИРМА СОТИХДАН ЕР АЖРАТИЛДИ

Сўхликлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда миришкор. Тоғ шароитида баъзи ҳудудларда сув танқислиги сезилса-да, ер билан тиллашишнинг ҳадисини олишган. Сархил, табиий тоза, харидоргир мева-сабзавотларни ўзларидан орттириб, ички ва ташқи бозорда ҳам сотишади.

Аҳоли хонадонлардаги томорқалардан самарали фойдаланиш мақсадида тумандаги жами 668 гектар аҳоли томорқаларининг 330 гектарига картошка, 180 гектарига сабзавот, 26 гектарига дуккакли ва 132 гектар ер майдонларига бошқа экинлар экиш кўзда тутилган. Айни кунда томорқа хўжаликларида етиштирилган маҳсулотларни сақлаш, қайта ишлаш тармоқлари фаолиятини кенгайтиришга ҳам эътибор қаратилмоқда. Шу кунга қадар "Ҳазратилло" хусусий корхонаси ҳамда "Соҳибкор" фермер хўжалиги томонидан умумий сиғими 400 тонна бўлган мева-сабзавотларни сақлаш музлатгичлари ишга туширилди. Бу сархил маҳсулотларни сифатли сақлаш, керакли вақтда қулай нархларда сотиш, маҳсулотлар узлуксизлигини таъминлашга хизмат қилади.

— Қайроқ, Варган, Тоён, Жавпая, Дукур массивларидаги ҳамда "Сўх", "Озод", "Ҳушёр" ширкатлари ҳудудида қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерларни ўзлаштириш орқали фуқароларга 20 сотихдан дала томорқалари учун ер майдони берилиб, ҳар бирига 2,2 миллион сўмдан субсидия ажратилди, — дейди Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш туман бўлими ўринбосари Расулжон Мирсаидов. — Шу кунга қадар бу йўналишлар учун тақдим этилган 261,6 миллион сўм субсидия ҳисобига 128 та дала томарқаси ташкил қилинди. Бу ерларда суғориш воситасини ўрнатиш, томчилаб суғоришни йўлга қўйиш, интенсив боғлар барпо этиш, иссиқхоналар қуриш кўзда тутилган. Асосий мақсад – аҳоли бандлигини таъминлаш, уларни камбағалликдан чиқаришдан иборат.

### ОЛИС СЎХ ЯНАДА ЯҚИН БЎЛАДИ

Чегарадош ҳудуд аҳолисини бир неча йиллардан бўён қийнаб келаётган йўл муаммоси яқин ойларда ўз ечимини топади. Тумандаги "Новобот" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида умумий майдони 7 гектар бўлган самолёт ва вертолётлар учун учиш-қўниш майдонлари қурилиши бошланди. Бу вазифани бажариш "Сўх асфальт-бетон қурилиш" МЧЖ зиммасига юклатилди. Бу ерда умумий қиймати 7 миллиард сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилади.

Давлатимиз раҳбарининг қарори ижроси доирасида 6 ой ичида қуриб битказиладиган аэропорт орқали "Humo AIR" авиакомпаниясининг Ан-2 самолёти ҳамда "Uzbekistan Helicopters" масъулияти чекланган жамиятига қарашли МИ-8 вертолётларини жалб этган ҳолда, Сўхдан Фарғона ҳамда Қўқон йўналишлари бўйлаб авиақатновлар йўлга қўйилиши мўлжалланяпти. Кичик авиация қатнови аҳоли учун мақбул нархларда белгиланади.

— Мана энди ўз аэропортимиз ҳам бўлади, — дейди меҳнат фахрийси Баҳодиржон Обиджонов. — Янги иншоот қурилиши сўхликлар кундалик ҳаёт тарзида муҳим аҳамиятга эга. Бу йўналишда бошланган амалий ишлар узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қилиш имконини беради.

Қурилиш майдончасида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишган вилоят ҳокими Хайрулло Бозаров сўхликларга Президентимизнинг самимий тилакларини етказди. Вилоят ҳокими давлатимиз раҳбарининг топшириғи билан туманга саноатни олиб кириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, турмуш тарзини ошириш бўйича катта ишлар бошланганлигини таъкидлади. Тумандаги учрашув ва мулоқотларда бундан буён ислоҳотлар "маҳаллабай" тизими асосида, ҳар бир масканнинг "ўсиш" нуқтасини аниқлаш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида амалга ошириладиган манзилли ишларнинг режалари келишиб олинди.

### ТАБИАТ ЧОРЛАЙДИ

Сўх хушманзара табиати, мўътадил иқлими, тиниқ булоқлари билан ҳар қандай кишини ўзига мафтун эта олади. Осмонўпар арчали тоғлари, жўшқин дарёлари билан машҳур. Бу экотуризм, агротуризм, қишлоқ туризми ҳамда этнотуризм, тиббиёт ва альпинизм турларини ривожлантириш учун айни муддао.

Хўжа Ориф, Қулфи Занжиркушод, Султон Маҳмуд Ғазнавий, Хазрати Али ҳамда Ровон зиёратгоҳлари йиллар давомида меҳмон ва мезбонлар билан файзли. 1890 йили Сўх тумани ҳудудидан илон шакли бўрттириб туширилган тош тумор топилган. Археологларнинг аниқлашича, бу тумор милоддан аввалги 3 минг йиллик охири — 2 минг йиллик бошларига мансуб.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистон сари юришидан аввал бир йил Сўхда турганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд.

— Туризмни ривожлантириш мақсадида янги шакллантирилган Инвестиция дастури доирасида 3 та лойиҳа амалга оширилади, — дейди туман ҳокими ўринбосари Илҳомжон Тожибоев. — Айни кунда "Гузари Омади Одина" МЧЖ томонидан меҳмонхона хизмати ташкил этилди. Бундан ташқари, "Кардио сервис ал-ҳаким" хусусий корхонаси томонидан умумий қиймати 1 миллиард 200 миллион сўм бўлган тиббий туризм-даволаш маскани, "Обишир бизнес сервис" МЧЖ ва "Сариканда Оромгоҳи" корхоналари меҳмонхона, умумий овқатланиш шохобчасини қуриш борасида иш олиб бормоқда. Бу дам олиш ва саёҳат қилиш истагида бўлган меҳмонларга ўзига хос қулайликлар яратади.

### БОЛАЖОНЛАР ҚУВОНЧИ

Тумандаги "Сариканда" ва "Гулистон" маҳалла фуқаролар йиғинида оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фойдаланишга топширилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Уларда кичкинтойлар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Шу кунга қадар туманда янги очилган бундай оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари сони 16 тага етди. Бунинг натижасида бир йўла 380 нафар бола бошланғич таълим йўналишига қамраб олинди, 32 та янги иш ўрни яратилди.

— Бундан ташқари, 11 та давлат мактабгача таълим ташкилотлари ихтиёридаги бўш турган хоналар таъмирланиб, қўшимча бир йиллик мажбурий таълим ва қисқа муддатли гуруҳлар очилди, — дейди туман мактабгача таълим бўлими мудири Гулноза Усмонова. — Мактабгача таълим муассасаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли 6 ёшгача бўлган болаларни бошланғич таълимга қамраб олиш даражаси ўтган йилга нисбатан 138 фоизга ошди.

Маълумот ўрнида айтганда, жорий йилда "Офтобру" маҳалласида 240 ўринли янги мактаб қурилади, 4 та умутаълим мактаби реконструкция қилинади ва мукаммал таъмирланади. "Қақир" маҳалла фуқаролар йиғинида замонавий мактабгача таълим муассасаси барпо этилади.

**Кўҳна масканда бўлган киши ана шундай хайрли ўзгариш, бунёдкорликларга ҳамоҳанг яшаётган сўхликларнинг қувонч ва шодликларига гувоҳ бўлади. Бир сўз билан айтганда, Президентимиз ташаббуси билан Олой тоғ тизмалари бўйлаб ястаниб кетган туманда бошланган ислоҳотлар кундан-кунга бўй кўрсатмоқда.**





**СЎХДА ВУЖУДГА КЕЛАЁТГАН ЯНГИ КОРХОНАЛАР ИЧКИ ВА ТАШҚИ БОЗОРДА ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ, РАҚОБАТДОШ МАҲСУЛОТЛАР ТАЙЁРЛАШ КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРИШ, ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИШ ИМКОНИЯТИНИ БЕРАЁТГАНИ БИЛАН ЭЪТИБОРНИ ТОРТАДИ. АЙНИ КУНДА ҲУДУДДА САНОАТ ЙЎНАЛИШИДА УМУМИЙ ҚИЙМАТИ 116 МИЛЛИАРД 129 МИЛЛИОН СЎМ БЎЛГАН 38 ТА ЯНГИ ЛОЙИҲА ҲАМ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.**

## ЎЗГАРИШ СУРЪАТЛАРИ

# "МАҲАЛЛАБАЙ" ТИЗИМИ ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАР БЕРМОҚДА



***Турсунбой ФАЙЗУЛЛАЕВ,*** ***Наманган давлат университети профессори,*** ***сиёсий фанлар доктори,*** ***халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати***

**Наманган аҳли ҳамон Президентимиз ташрифи таассуротлари, ҳис-ҳаяжонлари билан нафас оляпти, десак муболаға бўлмайди. Чунки давлатимиз раҳбарининг вилоятимизга ташрифи наманганликлар учун унутилмас воқеа бўлди.**
**Ташриф жадвали тиғиз бўлишига қарамай, Президентимизнинг маҳаллаларга, хонадонларга кириб, одамлар ҳаёти билан қизиқиши, ҳақиқий ҳолат билан танишиши, навбатдаги вазифаларни белгилаб бериши халқимизга эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин намунаси бўлди.**

Президентимиз халқимиз эртага эмас, узоқ келажакда эмас, айнан бугун ўз ҳаётида ижобий ўзгаришлар кўришини истайди, деган гапни кўп такрорлайди. Айни шу мақсадда ўзи тиним билмай, ҳар бир ҳудуд, маҳалла, хонадонга кириб, бошқаларни ҳам шундай ишлашга, аҳоли дарду ташвиши билан яшашга, одамлардан ҳол-аҳвол сўрашга ундаяпти. Ҳар бир масалани ўша жойнинг ўзида зудлик билан ҳал этиш, тезкор чоралар кўриш талаб этиляпти. Бундай инсонпарварлик, халқона сиёсатни халқимиз ўз оиласи, маҳалласи, тумани, вилояти мисолида кўриб турибди. Бундан хонадон эгалари, маҳалла аҳли, халқимиз руҳланмоқда, ғурурланмоқда.

Бунга биз давлатимиз раҳбарининг Наманганда аввалдан режалаштирилмаган ва тайёргарлик кўрилмаган "Дамбоғ", "Бунёдкор" маҳаллаларига ташрифи чоғида яна бир бор гувоҳ бўлдик, ишонч ҳосил қилдик. Кутилмаганда оддий хонадонга кириб, оила ҳаёти, турмуш тарзи билан қизиқди, йўл-йўлакай одамлардан маҳалла муаммоси, талаб-истаклари, уларни ўйлантираётган масалалар ҳақида сўради.

Президентимиз халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида "маҳаллабай", "хонадонбай" ишлаш тизими ва ғояси моҳиятини батафсил тушунтирди, бундай тизим янги Ўзбекистон учун нимага кераклигини маҳаллаларга ташрифи чоғида кўрсатиб берди.

Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳот ва янгиланишлар натижаси, энг аввало, хонадонларда, маҳаллаларда намоён бўлади. Қолаверса, одамлар ўз кундалик ҳаётининг кўп қисмини яшаётган маҳалласида, оила даврасида ўтказади.

Шу сабабли маҳалла ҳаёти, ободончилиги, ёшларни иш билан таъминлаш, улар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга жиддий эътибор қаратилмоқда, "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари"га киритилган оилаларга кредитлар бериляпти, ер ажратиляпти. Шундай амалий чора-тадбирлар воситасида одамлар мамлакатимиздаги ислоҳотларни ўз ҳаётида яққол ҳис қиляпти, кўряпти. Шу боис, давлатимиз раҳбари ҳар бир мансабдор шахс — ташкилот, муассаса ва идора раҳбаридан "маҳаллабай", "хонадонбай" тизими асосида ишлашни, у ердаги ҳар бир оила ва одамнинг турмуш тарзидан хабардор бўлиш, мавжуд ҳолатни яхшилаш бўйича чора-тадбирлар кўришни талаб қиляпти.

Бундай тизим нафақат иқтисодий чоралар йиғиндиси, балки муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик янгича ёндашувдир. Чунки ижтимоий ҳимояга муҳтож оилани камбағалликдан чиқариш учун кўрилган чора-тадбирлар уларга фақат даромад топиб турмушини яхшилашни англатмайди. Балки бунинг натижасида оила аъзоларида мамлакатимизда юритилаётган халқчил сиёсатга ишонч пайдо бўлади, юз бераётган ўзгаришларга дахлдорлик ҳисси шаклланади, фарзандларида эса меҳнатсеварлик, ватанпарварлик туйғулари уйғонади.

Қолаверса, ушбу маҳалла ва оилалар ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар ёшларда бирор касб эгаси бўлиш, меҳнат қилишга рағбат уйғотади. Улар фақат ташқи ёрдам-кўмакка суяниб қолмай, боқимандаликни енгиш, топган даромади эвазига нафақат оиласи моддий аҳволини яхшилаш, балки лойиҳалар ўйлаб топиш, иш ўринлари яратиш имконига эга бўлади. Давлатимиз раҳбари "маҳаллабай" ишлаш тизимини ташкил қилиш, "маҳалла раиси — ислоҳотчи" деганида ана шундай мақсадни назарда тутмоқда.

Президентимиз, ўз навбатида, маҳалла ваколатларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратаётир. Хусусан, маҳаллалар ўз муаммолари билан боғлиқ масалаларни халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияларига киритиши, ҳатто вазирлик, унинг қуйи органлари раҳбарларининг маҳаллаларда олиб борган ишлари юзасидан маҳаллий кенгашларда ҳисобот бериши кабилар шулар жумласидандир.

"Маҳалла раиси — ислоҳотчи" тамойили ташаббус, изланиш, ҳаракат қуйидан бошланишини тақозо қилади. Бу нафақат маҳалла раиси, балки маҳалла фаоллари ва аҳлидан ҳам фидойилик, ташаббускорликни талаб этади. "Маҳаллабай" ишлаш тизими мамлакатимизда янгича демократик тамойилларни қарор топтириш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистонда "маҳаллабай" тизими Президентимизнинг ўзини ўзи бошқариш органи — маҳалланинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, унинг ваколатларини кенгайтириш борасидаги ғоя ва ташаббусларининг мантиқий давомидир.

Давлатимиз раҳбари халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясида ёшлар масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратди. 2017 йил 7 июлда Наманган вилоятига ташриф давомида Султон Увайс қадамжосини зиёратгоҳга, ёшларимиз ўтмишимиз, тарихимиз ҳақида атрофлича билим оладиган масканга айлантириш ҳақида кўрсатма берилган эди.

Қисқа муддат ичида Наманган давлат университети олимлари томонидан Султон Увайс шахси ва ҳаёти, у киши қўним топган қадамжо тўғрисида маълумотлар тўпланиб, музей ва кутубхона ташкил қилинди, университетнинг тарих кафедраси филиали иш бошлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 2 ноябрда Учқўрғонда маърифатпарвар Ибрат ҳаёти ва меросини ўрганиш, 2018 йил 2 майда Нориндаги фаоллар билан учрашувда буюк ислом ҳуқуқшуноси Алоуддин Абу Бакр Косоний меросини ўрганиш, улар мангу қўним топган жойни обод масканга айлантиришга оид кўрсатмалари асосида икки аллома зиёратгоҳи ободонлаштирилди, улар қолдирган маънавий-илмий мерос ҳақида университет профессор-ўқитувчилари маҳаллий газеталар, вилоят телевидениеси орқали кенг маълумот ва тушунчалар беришяпти.

Давлатимиз раҳбари маънавият масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида "Бир зиёлига — бир маҳалла" ташаббусини илгари сурган эди. Ана шу даъватга асосан, университетнинг 300 га яқин профессор-ўқитувчиси маҳаллаларга бириктирилди. Университет олимлари Президентимиз белгилаб берган вазифалар, хусусан, халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясидаги йўл-йўриқ ва кўрсатмалардан келиб чиққан ҳолда "маҳаллабай" тизими асосида ҳар шанба мактаблар, маҳаллаларда бўлиб, аҳоли ва ўқувчи-ёшлар ўртасида илмий-маърифий тадбирлар ўтказяпти, тушунтириш ишлари олиб боряпти.

## БОҚИЙ МЕРОС



**Тарихан инсоният турли даврларда турлича маданий, иқтисодий ва интеллектуал ривожланиш босқичларини яшаб ўтган. Ҳар бир босқич инсониятга янгича имкониятлар ва табиий равишда янгича таҳдидларни тақдим қилган. Имкониятлардан оқилона ва тўғри фойдаланган, таҳдидларга илмий асосланган ечим топа олган миллатлар тараққиётда пешқадам бўлган.**
**XIX асрда дунёда юзага келган саноат инқилоби инсоният тарихида, хусусан, Ғарб мамлакатларида тубдан бурилиш ясаган бўлса, XXI асрдаги глобаллашув дунёдаги мураккаб сиёсий жараёнлар, ижтимоий-маданий ўзгаришлар трансформацияси сифатида намоён бўлди. “Илм-фан ва ахборот технологиялари асри” деб номланган ушбу давр барча халқ ва миллатларга ривожланиш учун яна тенг имкониятларни яратиб бермоқда.**

# ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ: ШОНЛИ ТАРИХДАН БУЮК КЕЛАЖАК САРИ



*Шоазим МИНОВАРОВ, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори*

Шундай бир вазиятда Президентимиз мамлакатимиз ривожи, унинг келажаги айнан илм-фан ва таълим вакилларига, ёш олим ва, умуман, зиёлиларга боғлиқ эканини таъкидлаб келмоқда.

Ҳозирги ахборот технологиялари даврида янги таҳдидлар, мураккаб ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий жараёнлар кузатилмоқда. Бундай шароитда мамлакатда барқарорлик ва миллий тотувликни мустаҳкамлаш, ҳар томонлама етук инсонни тарбиялашда халқимиз асрлар мобайнида эътиқод қилиб келаётган ислом динини тўғри англаш ва англатиш муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда биринчи ва иккинчи Уйғониш даври, яъни IX-XVI асрларда ўз илмий асарлари ҳамда кашфиётлари билан ислом ва умумжаҳон цивилизациясига бебаҳо ҳисса қўшган улуғ аждодларимиз илмий меросини ўрганиш, ўзини кимнинг авлодлари эканини англаш, шон-шавкатли ўтмишга дахлдорлик ва ифтихор туйғуларини, унга муносиб бўлишга интилиш истагини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази айнан шу вазифани ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ислом динининг илм-маърифатга, тинчлик-бунёдкорликка тарғиб этувчи ғояларидан руҳланган аждодларимиз IX-XII асрларда мамлакат ва инсонлар эҳтиёжларига илмий ечимлар излай туриб илоҳиётшунослик, математика, астрономия, барча табиат фанлари ҳамда фалсафа соҳаларида мисли кўрилмаган кўламда изланишлар олиб бордилар. Илмий изланишлар ирригация, деҳқончилик, савдо, ҳунармандлик, амалий санъат, меъморлик ва бошқа йўналишларда кенг қўлланилди. Пировардида ҳозиргача инсониятни ҳайратга солиб келаётган иншоотлар яратилди, бебаҳо санъат ва ҳунармандлик асарлари олам юзини кўрди.

Биринчи Ренессанс олимлари Хоразм Маъмун академияси, Бағдод донишмандлик уйи, Қоҳира илмлар уйи каби табаррук илм даргоҳларида фаолият юритдилар. Мўғуллар босқини билан тўхтаб қолган инқилобий ривожланиш темурийлар даврида изчил давом эттирилди. Астроном ва султон Мирзо Улуғбек Самарқанд расадхонаси асосида ўзига хос академия яратди. Темурийлар даврида Камолиддин Беҳзоднинг миниатюра мактабига асос солинди, Навоий, Лутфийдек буюк шоир ва мутафаккирлар адабиётни ривожлантирди.

Ҳар икки Уйғониш даврида яратилган асарлар, қилинган илмий кашфиётларни тадқиқ этиш, бебаҳо илмий-бадиий мерос намуналарини намойиш қилиш орқали табаррук ислом динининг инсонпарварлик, бағрикенглик, бунёдкорлик ва илм-фанга даъват қилувчи моҳиятини тарғиб этиш марказимизнинг асосий вазифалари сирасига киради.

Марказнинг 12 минг квадрат метр майдонга эга музейида Мусулмон Ренессанси ва ундан кейинги даврларда бугунги Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларнинг жаҳон илм-фани ва маданияти, муқаддас ислом дини ривожига қўшган бебаҳо ҳиссаси, илмий мероси ва тарихий асарлари интерактив услубда намойиш қилинади. Музейга ташриф буюрган ёш авлод турли мураккаб сиёсий ва ижтимоий даврларда ҳам ота-боболаримиз илм-фанга катта аҳамият бергани, фақат маърифат орқали ривожланишнинг юксак чўққиларини эгаллаганига гувоҳ бўладилар. Ўз навбатида, буюк аждодларга муносиб авлод бўлишга интиладилар.

Музей асрлар мобайнида халқимиз барча соҳаларда эришган ютуқларни намойиш қилади. У Президентимиз томонидан айтилган: “Халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш — Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда”, деган сўзларнинг айни ҳақиқат эканини акс эттиради.

Лойиҳа ташаббускори бўлган давлатимиз раҳбари жорий йил 29 январь куни Ислом цивизилацияси марказига ташрифи давомида марказдан кўзланган мақсадни қуйидаги сўзлар билан ёрқин ифодалаб берди: “Кўпчилик ўйлайди: нима учун Президент иккита Ренессансни эслади, деб. Бу — ғоя, келажакдаги мақсадимиз. Мамлакатимиз интилаётган марралар учун тарихимиздан руҳий куч олишимиз керак-ку! Бу марказ Учинчи Ренессанс пойдевори асосларидан бири бўлишига умид қиламиз. Чунки у илмий, дунёвий, замонавий марказ бўлади”.

Ҳақиқатан ҳам, мазкур марказга ташриф буюрган ҳар бир инсоннинг дунёқараши ўзгаради, янгича тафаккур, эзгу хулоса ва таассуротларга ошно бўлади, энг муҳими, шу юртда яшаётганидан розилик ва шукроналик туйғулари жўш уради.

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРИХИ

**Маданият вазирлиги ҳамда Театр арбоблари уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган ёш режиссёрларнинг “ДЕБЮТ — 2020” VI республика фестивалида Марғилон шаҳар мусиқали мақом театри жамоаси “Муҳаббат бўстони” спектакли билан саҳнага янги руҳ олиб кирди, томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Энг муҳими, ёш режиссёр Хўжамберди Эгамбердиевнинг мазкур мақом спектакли билан фахрли 1-ўринни қўлга киритиши театр жамоасига янги куч, ғайрат, шижоат, ижодий илҳом бағишлади. Спектаклда насроний қизга ошиқ бўлган шайх Санъоннинг муҳаббатига эришиш йўлидаги изтироблари мақом куй-қўшиқлари орқали ифодалангани томошабин учун янгилик, албатта. Спектакль муваффақиятини таъминлаган бу каби барча омиллар янги жамоа ўз ижодий фаолиятини йўлга қўя олганидан далолат беради.**
**Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 сентябрдаги “Ўзбек миллий мақом санъати маркази ҳузуридаги Марғилон шаҳар мусиқали мақом театри фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори асосида иш бошлаган театрнинг асосий вазифаси бадиий жиҳатдан юксак асарларни саҳналаштириш, театрлаштирилган томоша ва концерт дастурлари орқали мақом санъатини тарғиб қилиш, қизиқчилик ва аския санъатининг саҳнавий сюжетларини ривожлантиришдан иборат.**



# АСРИЙ БОЙЛИГИМИЗ АСРАР БУ ДАРГОҲ

*Мунoжат МЎМИНОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири*

Аниқроғи, бу театрда мақом жанридаги куй-қўшиқларимиз театрлаштирилган тарзда бир сюжет остидаги воқелик билан намойиш этилади. Аския санъати шу пайтгача катта томоша майдонларида намойиш этилар эди. Энди фарғоналик Муҳаммадсиддиқ Шеряев ва Ҳотамжон Ҳакимжонов бу санъат турини театр саҳнасига олиб чиқиш билан боғлиқ вазифаларни ўз зиммаларига олган. Албатта, бу йўлдан оғишмай боришнинг ўзи бўлмайди. Аммо Марғилон шаҳар мусиқали мақом театри қисқа даврда театрлар орасида ўз ўрнини топиб улгурди.

— Марғилон буюк истеъдод соҳиблари етишиб чиққан маскандир. Шу нуқтаи назардан, бу ерда янги театр ташкил этиш ва у айнан мақом театри бўлиши кераклиги тўғрисидаги таклиф давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган эди, — дейди биз билан суҳбатда Маданият вазирлигининг театр ва цирк санъатини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Муқаддас Аҳмаджонова. — Ўзингиз гувоҳи бўлиб турганингиздек, бу бугун тўлалигича ўзини оқлади. Назаримда, бу театр, ёшларни, умуман, ҳар бир кишини ўз миллий маданияти, қадриятлари, анъаналарини севишга, гўзал ва мафтункор санъатимиз билан фахрланишга, томошабин бадиий дидининг шаклланиши ва юксалишига хизмат қилмоғи керак.

Театр ўз ижодини Туроб Тўланинг “Шашмақом” мусиқали мақом спектакли билан бошлади. Спектаклни пойтахтимиздаги “Турон” театр студияси бадиий раҳбари, малакали режиссёр С.Мелиев саҳналаштирган. Унда “Бузрук” мақомидан мушкулот қисми “Мухаммаси Насруллойи”, “Насруллойи”, “Рост” мақомининг мушкулот қисмидан “Гардуний рост”, “Сараҳбори наво” тароналари, “Дугоҳ” мақомидан “Мўғулчайи дугоҳ”, “Сегоҳ” мақомидан “Мушкулоти сегоҳ”, Фарғона, Тошкент мақом йўлларидан “Сегоҳ”, “Мискин II”, “Ушшоқ” каби асарлар Мотуридий, Ибн Сино, Лайли ва Мажнун, шоҳ, келин-куёв образлари орқали моҳирона рақс ҳаракатлари билан бир сюжетда кўрсатиб берилди.

Асар бош қаҳрамони академик Юнус Ражабий образини жамоанинг етук актёри марҳум Кимсанбой Собиров ижро этган эди. Илк спектакль томошабинларда катта таассурот қолдирди. Шундан сўнг республикамиздаги машҳур мақом усталари, драматурглар, режиссёрлар, рассомлар билан ҳамкорликда Х.Расулнинг “Мунoжот”, Ш.Муродовнинг “Муҳаббат бўстони”, Н.Аббосхоннинг “Навоий” каби мусиқали мақом спектакллари саҳналаштирилди. Пандемия пайтида юртимиздаги барча театр жамоалари каби мақом театри ҳам онлайн иш жараёнига ўтиб, ижтимоий тармоқларда ўзининг “Фарғонача кулги”, “Аския”, “Мақом сеҳри” концерт дастурларини намойиш этди.

Янги жанрдаги мақом спектаклларининг саҳналаштирилиши, ҳар қандай концерт дастури театрлаштирилган саҳнавий кўринишлар орқали ҳавола этилиши билан театр ўзининг маънавий ҳаётимиздаги аҳамияти нечоғли муҳим эканини кўрсата оляпти. Шу маънода, бугун жамоадаги ҳар бир ижодий ходим янги жанр устида изланишлар олиб боряпти. Мақом спектакллари, айниқса, ёшларда катта қизиқиш уйғотаётгани қувонарли. Хусусан, Фарғона политехника институти ректори Ўктам Саломов театр саҳнасида “Навоий” мақом спектаклини ўз талабалари билан бирга томоша қилиб, мақомнинг театр санъати билан уйғунлашганидан ҳайратланганини таъкидлаб, театр жамоасига миннатдорлик билдирди. Шу аснода институтда ҳафтанинг ҳар жума куни “театр куни” деб эълон қилинди.

Вилоятдаги тиббиёт олийгоҳи талабалари ҳам театрга мунтазам ташриф буюриб, саҳна асарларидан маънавий озуқа олаётганларидан хурсандликларини айтдилар. Ҳозиргача театр спектаклларини 3 000 га яқин талаба катта қизиқиш билан томоша қилгани албатта, эътиборга лойиқ.

Бугунги кунда маданият соҳасида қабул қилинаётган қатор фармон ва қарорлар асосида санъат ходимларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, театрларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тарғибот учун ҳар бир вилоят, туман, шаҳарлар марказларига лед экранлар қўйилиши ижодкорлар зиммасига юксак масъулият юклайди. Бу эса давр руҳига мос асарлар яратиб, бугунги кун ёшларини театрга кенг жалб этишда муҳим омил бўлади. Шу ўринда айтиш жоизки, Ўзбекистон санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиалида 3-4-босқичда таҳсил олаётган 15 нафардан ортиқ талаба ўқишдан бўш вақтларида Марғилон шаҳар мусиқали мақом театрида фаолият юритмоқда.



**Дарҳақиқат, етук, малакали мутахассисларга бугун ҳар қачонгидан ҳам эҳтиёж ортди. Давлатимиз раҳбари бу борада оқилона йўл тутиб, малакали мутахассисларнинг бошқа ҳудудларга бориб ишлаши учун керакли шароитларни яратиб бермоқда. Театр соҳасида ҳам бундай эзгу ишлар амалга оширилиб, ёш ходимлар уй-жой билан таъминланса, Марғилон шаҳар мусиқали мақом театри ҳам кўплаб салоҳиятли ёшларга бойир эди.**

Театр раҳбари Таваккал Султонов вилоятда мақом йўналишида иқтидорли, ижодкор ва салоҳиятли ёшлар талайгина эканини таъкидлар экан, улар орасида нуфузли танловларда ўрин олганлар ҳам борлигини фахр билан қайд этди. Ўз навбатида, бундай ёшларга эҳтиёж катта экани, соҳа мутахассислари тайёрлайдиган олийгоҳларда сиртқи бўлимлар очилиши айни муддао бўлишини ҳам таъкидлади.

Дарҳақиқат, етук, малакали мутахассисларга бугун ҳар қачонгидан ҳам эҳтиёж ортди. Давлатимиз раҳбари бу борада оқилона йўл тутиб, малакали мутахассисларнинг бошқа ҳудудларга бориб ишлаши учун керакли шароитларни яратиб бермоқда. Театр соҳасида ҳам бундай эзгу ишлар амалга оширилиб, ёш ходимлар уй-жой билан таъминланса, Марғилон шаҳар мусиқали мақом театри ҳам кўплаб салоҳиятли ёшларга бойир эди. Шу ўринда Президентимиз раҳнамолигида маданият вазири О.Назарбеков, Фарғона вилояти ҳокими Х.Бозаров, Марғилон шаҳри ҳокими А.Зиявитдиновнинг театр фаолиятини ривожлантиришга қаратаётган эътибори алоҳида эътирофга лойиқ.

Жорий йил театр репертуаридан иккита мақом спектакли, иккита концерт жой олган.

— Х.Расулнинг “Мақоми танҳо“ асарини марҳум устоз Маҳмуд Тожибоев таклифи билан спектаклга айлантиряпмиз, — дейди Т.Султонов. — Бухоро амири ўз даврида Ҳожи Абдулазиз, Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов, Содирхон ҳофиз каби барча мақомчиларни чақириб, танлов ўтказган экан. Биз бунга воқелик, яъни бир хонанда ва созанданинг севгисини қўшдик. Б.Бардошнинг “Гирён дийдалар” асари эса Увайсийга бағишланиб, воқеалар саройда кечади. Амир Умархон ва Нодирабегим ғазалларидан қўшиқлар ижро этилади.

Айни пайтда театр жамоаси бу икки саҳна асари устида ишлашдан ташқари, “Фасли навбаҳор” номли мақом концерти, “Устозлар бисотидан” деб номланган аския концертига ҳам қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Бундан ташқари, республика намунавий ансамбллари ўртасида ўтказиладиган “Мақом сеҳри” телетанлови ҳамда Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги муносабати билан юртимиз театрлари ўртасида ўтказиладиган фестивалга ҳозирлик масаласи жамоанинг асосий вазифаларидан бири бўлиб турибди. Зеро, ўзига хос аудиторияни шакллантириш ходимлардан тинимсиз изланишни талаб этади.



Ўзбекистон давлат консерваторияси, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, Хореография академияси, Фарғона, Наманган, Тошкент санъат коллежларини тамомлаб, ушбу даргоҳда ижод қилаётган мақом хонандалари, созандалари, балет артистлари, умуман, 100 нафардан зиёд ходимнинг барчаси буни яхши билади. Мусиқали драмада ариялар ижро этилса, мақом гўзалликни талаб қилишини уларга тушунтиришнинг ҳожати йўқ. Битта спектаклда 8-10 та мақом ижро этилиши эса ишга янгича ёндашишни тақозо этади. Зеро, мамлакатимизда мақом театри энди катта ижодий йўлга қадам ташлаяпти.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, Тожикистондаги мақом ижодкорлари композицион томошани рақслар билан, Қашқарнинг Финжон шаҳридаги мақом ансамбли монологлар билан кўрсатади. Марғилон шаҳар мусиқали мақом театри саҳнасида эса буларнинг ҳаммаси уйғунлашиб, яхлит бир мусиқали мақом спектаклига айланади. Шу маънода ҳам Марказий Осиёда ягоналик касб этаётган мана шундай даргоҳнинг моддий-техник базасини яхшилаш, бойитиш лозим. Бу эса асрлар оша безавол яшаб келаётган мақом санъатимизнинг янада жозибадорлик касб этишига хизмат қилади.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир: **Салим ДОНИЁРОВ**

“Янги Ўзбекистон” газетаси учун масъул:
бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари
**Бахтиёр Абдусатторов**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 624.
11950 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Баҳор Хидирова
Мусаҳҳиҳ: Асолат Аҳмадқулова
Дизайнер: Зафар Бакиров

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 23:20 Топширилди — 00:45